

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# OILA DAVRASIDA

№ 3-4 (401-402)  
2020-yil  
12-mart  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



**МОДИЙ ОФАТЛАР**

таназзулнинг  
асл сабаби

3-бет



«Оила даврасида» газетаси

**ЯНА ХОНАДОНИНГИЗ  
МЕҲМОНИ!**



**ОБУНА ҚИЛАМИЗ!**

Тел.: 71 234-83-45

71 234-06-81

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,  
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан  
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**



**ДАВЛАТ  
ТИЛИГА  
ҚУРМАТ ҚАНИ?**

6-бет



**ОИЛАНИ  
АЖРАТАЁТГАН  
УЧИНЧИ ҚЎЛ**

10-бет

**ДЕПРЕССИЯ  
ҲАЁТДАН  
НОРОЗИ ЎСМИР**

11-бет



[uzkitob.uz](http://uzkitob.uz)

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй

Тел.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

# ОБОД ЮРТГА ЯРАШАДИГАН АНЪАНА

« Мамлакатимизда 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Тўю тантаналар ўтказиладиган манзиллар қиёфасини бир кўз олдингизга келтиринг. Ҳаммаёқ саришта, ҳаммаёқ озода, ҳаммаёқ саранжом... Бу – инсоннинг тутуми. Қадимий таомил. Аслида эса буни одам боласи табиатнинг йўриғидан ўрганган бўлса, ажаб эмас.

Мана, янгилиниш фасли келиши билан она-табиатнинг ўзи заминга сайқал берапти. Ён-атрофни яшилликка буркамокда, дарактлар шоҳларига гулу чечаклар такайтир. Лекин баҳор нафасига ҳамоҳанглик зарур. Табиатнинг ишига ҳам кўмак керак. Наврўзнинг қадимий фалсафаси — шу! Қолаверса, бу умумхалқ байрами олдидан ўтказиладиган анъанавий хайрия ҳашарларининг асл моҳиятини ҳам яққол ифода этади.

Қадриятда қадримиз бўлсин, дейди ота-боболаримиз. Мана, ўша қадриятларимиз қадр топадиган дамларга саноқли кунлар қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, жорий йил 14-15 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб «Обод юрт» умумхалқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хайрия ҳашари ўтказиладиган бўлди.

Этибор берган бўлсангиз, бу йилги ҳашарга алоҳида ном берилибди — «Обод юрт». Демак, кимки Ватан ободлигига муносиб ҳисса қўшишни истаса, марҳамат, умумхалқ ишига дохил бўлсин!

Аслида, бундай кенг миқёсли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари элнинг жипслигини синовдан ўтказди. Шу сабаблар бўлса керак, неча асрларки, бу анъана барҳаёт. Ҳашар дейилса, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар белини маҳкам боғлаб эзгу ишга отланади.



Ҳўш, бу йилги умумхалқ хайрия ҳашарида қандай ишлар бажарилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда ҳукумагимиз фармойишида алоҳида вазифалар белгиланган. Чунончи, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари умумхалқ ҳашари ўтказиладиган кунлари ўз ҳудудларида даракт ва гул кўчатлари экиб, боғ ва гулзорлар яратиб, маҳаллалар, таълим муассасалари, аҳоли

пунктлари, кўп қаватли бинолар ва қабристонларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш ишларига бош-қош бўладилар.

Ҳашар кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилади.

Умумхалқ ҳашари доирасида бўлмаган бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан, қурилиш-таъмирлаш ва кишлок хўжалиги ишларига мажбурий жалб этилишига қатъий йўл қўйилмаслиги ҳам ҳужжатда алоҳида қайд этилган.

Бинобарин, автомобиллар серкатнов йўллар, сув объектлари, кирғокбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилиши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ўтказиш тақиқланади.

Бундан ташқари, умумхалқ хайрия ҳашари доирасида 14 март кунини республика миқёсида ёшлар иштирокида экологик акциялар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

14-15 март кунлари барча юртдошларимиз умумхалқ ишидан четда турмайди, деган умиддамыз.

Фаррух БЎТАЕВ,  
ЎЗА

## «Биз касалликни беркитаётганимиз йўқ»

— соғлиқни сақлаш вазири  
коронавирус ҳақида

Соғлиқни сақлаш вазири ҳукумат Ўзбекистонда коронавирус тарқалгани ҳақидаги хабарларни яшираётгани тўғрисидаги миш-мишларни рад этди. «Бу касалликни беркитишнинг иложи йўқ», деди у.



Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов мамлакатда COVID-19 коронавирусига чалинганлик ҳолатлари яширилаётгани тўғрисидаги хабарларни рад этди, деб ёзмада «Газета.uz» наشري.

«Энг муҳими, ҳар бир фуқаро ногўғри, ваҳимали маълумотларга ишонмаслиги, ўз эҳтиёт чораларини кўриши зарур. Бу касалликни биз беркитаётганимиз йўқ, уни беркитишнинг иложи ҳам йўқ. Зарурат бўлмаса, хорижга чиқмайлик, чеклайлик. Сиз соғлом бўлганингиз билан ёнингиздагилар ўз касалликларидан беҳабар ҳолда юктириб қўйиши мумкин», — деди у сешанба кунини Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

Соғлиқни сақлаш вазири мамлакатда касаллик қайд этиладиган бўлса, Ўзбекистонда дори воситаларининг захираси, шунингдек профилактика бўйича имкониятлар етарли эканига ишонч билдирди.

Наврўз муносабати билан байрам тадбирларида бирор бир чекловлар бўладими, деган саволга вазир шундай жавоб берди: «Бугун мамлакатда касаллик йўқлигини ҳисобга олиб, биз фақат халқро тадбирларни, чекламоқдамиз, ички тадбирларни, шу жумладан Наврўз байрами бўйича, масала хали кўриб чиқилгани йўқ».

Матбуот анжуманида эпидемиолог, DiaPrep System президенти Михаил Фаворов ҳам иштирок этди. Шу кунларда у халқро мустақил эксперт сифатида Соғлиқни сақлаш вазирилик ходимлари билан биргаликда ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида тиббиёт ходимларига маслаҳатлар бермоқда.

«Ўзбекистон — касалликка чалиниш ҳолатлари мутлақо мавжуд бўлмаган кам сонли давлатлардан бири. Улкан чоралар кўрилмоқда... Бунга нисбатан ишлар яхши кетмоқда», — деди у.

# «САҲРОДА САВДОЙИ КЕТГАН АЗИММАН»

« 9 март кунини халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Суён оламдан ўтди. Азим Суён (Азимбой Алимович Суёнов) — 1948 йил Самарқанд вилоятига қарашли Накурт қишлоғида туғилган.

Куйидаги воқеага яқин ўтмишда дуч келганман. Бир талбир баҳона Азим Суённинг дала ховлисида йиғилдик. Боғга айланган ховлига бозор-ўчар билан кириб борар эканмиз, ховлининг бир бурчагида нималар биландир тимирскиланиб юрган отахонга кўзимиз тушди.

У кишлоқчасига чопон кийиб, этагини белига кистириб олганча, иш билан машғул эди. Шу ернинг қоровули бўлса керак, деган хаёл билан узоқдан салом бердик. «Ва алайкум ассалом», дея бизга ўтирибди.

Дарҳол танидик. Китобларда ва телевизорда кўрганимиз Азим Суён экан. Олдига боришимиз ҳамонок, у ҳам биз томон қадам ташлаб кела бошлади. Хол-аҳвол сўрашиб бўлгач, тадбирга тайёргарлик учун жойларни кўрсатиш баробарида ўзи ҳам ёрдамга қўшилиб кетди.

Менда бир қусур бор. Ёши катта кишилар билан суҳбатлашни умуман ёқтирмайман. Чунки одамзоднинг ёши ўтаверган сари инижк бўлиб бораверади. Айниқса, машҳур кишилар қандайдир манмансирган бўлиб, арзиманган ногўғри гап учун жеркиб ташлайверишига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ҳаттоки,

сўзингизни тушунмасдан туриб ярмини эшитар-эшитмас, шартта гапни бўлиб ўзининг бошқа бир мавзудаги дийдиёсини бошлаб кетади. Сиз эса мажбур, эшитасиз.

Азим ака эса мен кўрган ёши улуг кишилардан ўзгача экан. Тасаввуримдаги Азим Суён эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, эндигина шаҳарга қадам қўйгандаги Азим Суёновлигича қолган экан.

Суҳбат бошланди... Тўрға Азим Суён ўтказилди. Бугун фақат Азим Суённинг кизик-кизикмас гапларини эшитамиз, деб ўйлаган эдим. Аммо ундай бўлмади. У кишининг бир оёғи катта идораларда, умри зўр давраларнинг тўрида ўтган бўлса-да, жимгина ёшлар суҳбатини эшитар эди. Қулиш керак бўлган жойда кулар, хайратланиш керак бўлган жойда бизга қўшилиб хайратланар эди. У давраларда сўзлашни ҳам койиллатиш баробарида, эшитиш санъатини ҳам унутмаган экан.

Тасаввуримиздаги катта шоир оддий инсонлар олдига одми халқ бўлиб суҳбатлашар эди. Қачонки, сўрасангиз жавоб берар, бошқа вақт эса ёшлар-

нинг бўлар-бўлмас суҳбатларини ҳам жимгина ёшларга хос бир мароқ билан тинларди.

Маълум бир муддат ўтгач, даврани ёшларнинг ўзларига қолдириб, секингина хижолат торган киши каби ўзини бир четга олди-да, иши билан машғул бўлди.

Кечга бориб, даврала Азим Суён ижодидан мушоирабозлик бошланди. Атрофда у ёқ-бу ёққа ўтиб юрган Азим ака айтилаётган шеърларда янглишмовчиликларни эшитиб қолди, шекилли, ўчоқ олдидан ўчай деб турган олов олдига келиб кўним топди. У айтилаётган шеърлардаги хатоларни тўғрилаб турарди. Тугилиб қолган жойдан бошлаб ўзи маромига етказиб тугатиб қўяр эди.


Шу жойда Азим аканинг шеърларини ёддан айтиши мени таажублантирди. Наҳотки, ўнлаб йиллар олдин ёзган шеъри ёдидан кўтарилмаган бўлса, дея секингина ёнига яқинлашдим. Саволимга жавоб олиш учун саволдан олдинги саволни бердим:

- Азим ака, нечта шеър ёзгансиз?
- Эҳ-ҳе, сонини санамаганман.
- Аммо, ҳаммасини ёддан айтиб берайсиз-ку?!

Азим ака шу жойда жавоб ўрнига бир қулиб қўйди, холос.

Қулишдан англадимки, Азим Суён ҳар бир шеър, ҳар бир жумла учун мсхр ва қалб кўрини берган экан.

Шерали ОТАБОВЕВ



Эй дўст!

Мен сизсиз дунёдан нетган Азимман,  
Саҳрода савдойи кетган Азимман.

Ҳаётим саробдай бемаъно ўтса,  
Сизсиз дунёлардан ўтган Азимман.

Эй дўст!

Доим руҳим кўкда менинг, ерда жисимимдир,  
Чақмоқларга қанот урган бургут дўстимдир.  
Гўнг титган қаргалардан зада бўлдим мен,  
Бобом – Суён, отам – Олим, Азим исимимдир.

# АНДИША — ЕМИРИЛМАС КЎРҒОН

## Моддий офатлар нима учун маънавий таназулда бўй кўрсатади?

«Айни кунларда дунёнинг аллақайси бир бурчагида бедаво касаллик доригани жаҳон ҳамжамиятини жиддий хавотирга солмоқда. Иқтисодий, сиёсий, меҳнат миграцияси, таълим, сайёҳлик билан боғлиқ давлатлараро муносабатлар бир қадар қисқаргани ҳам қатор муаммолар эшигини оча бошлади. Бугун бу офатга яқину йироқ ҳудудларнинг барчаси ўта сергак ва хушёр тарада ҳимоя чораларини кўряпти. Жаҳон оммаси офатнинг тарқалиш кўлами мисли кўрилмаган тарзда кенгайиб бораётганидан ташвишга тушмоқда...

Бундан бир неча йиллар аввал инсоният бир жинслиларнинг оила куриб яшашига расман рухсат берди. Бундай кўз кўриб, кулоқ эшитмаган жирканчликни «шахс эркинлигини ҳимоя қилиш», «инсон ҳуқуқининг дахлсизлиги» деб атади.

Биргина ҳудудда қабул қилинган бу қарор шу ҳудуднинг ўзи билан чекланиб қолмади. Яшшн тезлигида теварақ-атрофга таркала бошлади. Зум ўтмай, бундай «эркинлик»нинг тарафдори ва тарғиботчиси бўлган кимсалар кўпайди. Ошқорагина эмас, фахр билан, мағрурона намойишлар ўтказиш авж олди.

Ўшанда дунё ахли бир қалқиб тушиб «Бу — номуссизлик! Уятсизлик! Шармандалик! Бунга узил-кесил чек қўйилиши керак! Йўқса оқибати ёмон бўлади. Бунинг ортидан мислсиз бало келишидан ҳазир бўлайлик!» демади. Афсуски, мана шу ҳайқирик янграмади инсониятдан.

Баъзи бир гегимонлар ўз зўравонлигини бошқаларга ўтказиб, бойлик орттирмоқчи, шуҳрат қозонмоқчи бўлди. Шу йўлда минглаб бечораларнинг ёстигини қуритди. Қолганлар эса, гўё кулогимиз қар, кўзимиз кўр, қабилида иш тутиб, томошабинликдан бошқага ярамади. Шундан инсонда «мен оммани истаган йўригимга сола оламан. Истаганимни қиламан, ҳеч ким пишагимни «пишт» деёлмайди, деган қараш шаклланиб қолди. Инсон деган мардум ўзини бутун борлиқнинг яқка-ягона ҳукмрони деб ҳис қила бошлади. Бу фожиянинг бошланғич нуктаси эди.

...Боладигимизда бирон нобоп қадамимизни катталар кўриб қолса, «ундай қилма, бўйнингга гуноҳ осилади», дейишарди. Биз шаталок отиб ўйнаб юргич бўзболалар гуноҳ нималигинию, бўйнинг қандай осилишини аниқ билмасдик. Тахминан, бўқоққа ўхшаган бирон касаллик пайдо бўлса керак, деган болаларча қарашимиз бор эди. Лекин қилинадиган моддий ярамасликларнинг албатта ҳисоб-китоби борлигини, бир кун келиб у бизни моддий ё маънавий таназулда элтишини ўзимизча тасаввур қила олардик. Шундан

«катталарнинг кўзига тик қарама, йўлини кесиб ўтма, гашини икки қилма» каби ўғитлар ёзилмаган, лекин амал қилиниши қатъий талаб этиладиган темир қонунлар эди.

Бир куни уйимизга ёши етмишдан ошиб, саксонга бориб қолган момо келди. У қайси тарафдандир узоқроқ қариндошимиз бўлар экан. Уйига қайтаётганида кузатгани чикдик. Анча қартайиб қолган момо машинага чиқишга кийналарди. Шунда акам югуриб бориб, унга ёрдамлашмоқчи бўлди. Момо олдин акамга бир қаради. Кўлини кўйлагининг узун энги ичига тортиб, акамга узатди. Бу ҳолдан мен жуда таажжубга тушган эдим. Нахот шу мункиллаган момо акамдан шу қадар истеҳоло қилса, деб ўйлардим. Кейин билсам, у аёл кишининг ким бўлишидан қатъи назар эркак зоти олдидаги ийманиши экан...

Яна бизга болаликдан қолган бир эсдалик шуки, уйинқароқлик қилиб, опамизнинг оёқ кийимини кийиб олсак, катталардан дарров «қизларнинг кийимини кийма, ўғил бола бўлмай қолсан» деган танбех эшитардик. «Ўғил бола бўлмай қолиш» нима эканини билмасак-да, катталарнинг бундай танбехидан кейин эс-хушимизни йиғиштириб олардик.

Энди ўйласам, ёзилмаган, лекин халқнинг қатъий урф-одатига, турмуш тугтумига айланиб қолган бу каби нозик жиҳатларни бир сўз билан «андиша» деб аташ мумкин экан. «Андиша» бирон моддий нарса бўлмаса ҳам барча моддий қуроллардан-да кучлироқ тасирга эгаллигини эси бор одам инкор қилолмаса керак. Андиша нафақат инсонни, инсондан бошқа махлуқлар, ҳатто йирткич ҳайвонларни ҳам ўз ҳадди-чегарасида ушлаб турадиган катта қуч бўлиб келган.

Бир киши бошдан кечирган воқеани шундай ҳикоя қилиб берган эди:

«Бир куни уйга тиланчи аёл эшик қоқиб келиб қолди. Аксига олиб, уйда мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Тиланчи одамни ўзига оханрабодай тортадиган, қараб кўз тўймайдиган хуснли жувон экан. Ўзим яхши



жойда ишлайман. Тирикчилигимдан қамим йўқ. Икки ҳовлим, машинам бор. Шунда жувонга эшикма-эшик тиланчилик қилиб юргандан кўра, мен билан бирга яшашни таклиф қилдим. Бу гапимдан жувоннинг жиғибийрони чиқди. Эри, фарзандлари борлигини айтди. Кўнмади.

Мен ўзимча уни жулдирвоқи, ташландик бир қимса деб ўйлаб, зўравонлик қилмоқчи бўлган эканман. Мен — катта бир амалдор ор-номус, вафо ва садоқат, виждон ва андиша каби маънавий жиҳатларда ўзим менсимай қарайдиган тиланчи аёлдан анча тубанроқ эканимни ҳис қилдим... Ишонасими, ўша куни мен у аёлга чиндан ҳавас қилдим. Тиланчилигига эмас, ориятли, покдомон, номусли аёллигига...

Кейинчалик турли жойларда ишлаб, ҳар хил ўлкаларда бўлиб, кўп аёл-қизларни кўрдим. Лекин уларда ўша тиланчи аёлчалик ориятли тополмадим... Ор-номус, уят ва ҳаё, вафо ва садоқат, андиша ва ҳурмат фақат ўзини сипо тутиб, пўрми кийиниб, олиий маълумотли бўлиб, ё бирон жойда раҳбарлик қилиб юрганлардагина эмас, аслида ҳар бир одамда онадан туғилганиданроқ мавжуд бўлишини кейинчалик эшитганимда бу гап қанчалик ҳақиқат эканини кўп бор мушоҳада қилдим. Яна бир нарсани тушуниб етдимки, бундай фазилатлар ўзлигини йўқотмаган оддий инсонларда бошқаларга қараганда кўпроқ бўлар экан...

Энди яна ўзимизнинг гапга қайтайлик. Бугун дунёдаги катта бало-офатлар негацир чор-ночор яшаётган, ичишга сув, ейишга нон топилмаётган китъада эмас, анча ўзига тўқ, моддий фаровонлик ҳукм сураётган ҳудудларда кузатилиши кишини ажаблантиради. Ахир, қўлни тез-тез совуллаб ювиш билан бартароқ бўладиган вирус деган балоий азим нега умрида со-вун нималигини билмай яшаётганлар орасида аниқланмади? Нега қўл чайиш тугул ичишга ҳам сув топилмайдиган жойларда учримади? Нега касалликка қарши никоб тақиш эмас, авратини ёпишга-да етарли кийими бўлмаган кишиларни ўз домига тортмади?

Бир пайтлар андишасизлик ва орсизлик ҳақалак ота бошлаганида пинагини бузмаган, одамлар номусини йўқотаётганида «бу уларнинг шахс эркинлиги» деб

баҳолаган, шармандалик ортидан моддий бойлик орттиришни касб қилиб олган кишилар бугун бир вирус тахликасига қарши тиш-тирноғи билан қуролланиб турибди. Лекин бу қуролланиш пойғаси унчалик самара бермаётгани ҳам бор гап. Кунда-кун ора қуроғимизга чалинади: «Бугун фалон жойдан яна шундай касал топилибди...», «Пистон ерда шу дард борлиги расман тасдиқланибди...» Касалликнинг тарқалиш ҳудудини кўрсангиз, яна ҳайратингиз ошади. Бир-биридан минг-минглаб чақирим узоқдаги шаҳарларда бир-бирига айнаи ўхшаш маразлар рўй-хатга олияпти. Ақл юргизиб қаралса, касалликнинг орада шунча жойни қолдириб, учиб боришига ҳам, сузиб боришига имкон йўқ. Аммо осмондан тушганми, ердан чиққанми, борлиги ҳақиқат.

Файласуф Диоген дунёдан юз ўгириб, бир хумнинг ичида яшай бошлаганида ҳукмдор унинг ҳузурига келиб, «Бизга нима хизмат?» деганида «Хумга тушаётган қуёш нурини тўсма, бошқа ҳеч нарса керак эмас», деган экан.

Эл орасида «фалончи нобоп одам эди, бошқаларга ўшанинг нуқси урибди», деган гап бор. Ҳа, баъзан бирники — минга, минганики — туманга бўлади. Лайниқса, ҳозирги глобаллашув деган «темир қувви» бир зумда дунёни чайиб, қорани оққа, оқни қорага чаплаштириб турган кезде ор-номус, ибод-ҳаё, вафо ва андиша қабиларнинг заррача бўлса-да йитиб кетишига йўл қўйиш жуда-жуда қимматга тушиши муқаррар. Сўфи Оллоёрдай табарруқ зотлар айтмоқчи: «Нечукким тутти тўфон дасту тоғи, Ва лекин бўлмади тўл Нух оёғи» каби юксак маънавий даражага, ҳимояга эришмоқ ҳам юқорида айтилган инсоний сифатларни омон сақлаш, асраш билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Аслида, одамга кўп нарса керак эмас. Ўзини борлиқнинг эгаси деб ўйлайдиган бечора одам биргина вирус қаршисида талвасага тушиб, ўз ожизлигини тан олмай оложи йўқ. У ўзини енгса, одамнинг ва оламнинг табиий низомига қарши чиқмаса, ўз ҳалдини билиб яшаса, одам ва оламдаги кўринмас парда — азалий андишани маҳкам тутса, бас. Акс ҳолда, кўзга кўринмас бир вирус инсоният ҳалоқатига боис бўлиши, ҳеч гап эмас.

Туробжон АБДУРАЗЗОҚ



# АВТОМАШИНАЛАР НАРХИ ОШДИ, ХАЛҚ ЭСА НОРОЗИ

UzAuto Motors компанияси 9 мартдан автомобиллар учун янги нархларни эълон қилди. Унга кўра, автомобиллар нархи турига қараб 3 фоиздан 21 фоизгача юқорилаган. Нархларнинг бундай ошиши ижтимоий тармоқларда катта муҳокамаларга, кўплаб норозилик чиқишларга сабаб бўлди.

Маълумот учун, компания ишлаб чиқарётган алоҳида моделларнинг нархи сўнгги бор 2018 йили ўртача 7,7 фоизга оширилган эди. Авалроқ UzAuto Motors автомобиллари нархи кўшимча опциялар ҳисобига «бироз ошгани» маълум қилинган эди.

Эслатиб ўтамиз, UzAuto Motors (аввалги General Motors Uzbekistan) компанияси 2018 йил охирида бир қатор имтиёزلардан маҳрум қилинди. Компания аввалги йилларда барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёз олган бўлсада, 2019 йилдан бошлаб фақат ҚҚС тўловидан озод қилинди, холос. 2019 йилнинг 1 октябридан бошлаб компания бу соликни ҳам тўлай бошлади, деб ёзмокда «Дарё» интернет-нашри.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Мақсуд Қурбонбоев «UzAuto Motors» шундай дейди:*

### «UzAuto Motors»га жавобсиз саволлар

Биринчидан, нега «UzAuto Motors» на сайтида, на бирор бир бошқа оммавий ахборот воситаларида нархлари ошгани расмий хабар ва тушунтириш тарзида маълум қилинмапти? Худди айб иш қилаётгандек, сайтнинг ички қисмидаги нархнома имми-жимиди янгилаб қўйиш, эълон қилишга кирмайди.

Иккинчидан, хўп, нархлар ошишга ошибди. Бирок нима сабабдан, умумий қилиб қайси омишлар туфайли ошганини истеъмолчи билишга ҳаққи борми ёки йўқми?

Учинчидан, нега айнан халқимиз орасида энг талабгир ҳамда «эконом» ҳисобланган Damas, Spark, Nexia, Cobalt ва Lacetti каби автомобиллар нархи оширилмоқда. Ойликка қараб қолмаган, нисбатан ўзинга тўқлар харид қиладиган Malibu 2, Tracker, Trailblazer, Equinox, Traverse ва Tahoe нархлари эса ўзгарти-

ришсиз қолмоқда. Ёки бу «Камбағални туяни устида ҳам ит қопади» нақлининг амалдаги ифодасими?

Тўртинчидан, оширилган нархлар экспортга чиқарилаётган машиналарга тааллуқлими? Ўзи нима учун «UzAuto Motors» ханузгача экспортга ички бозордан анча арзон нархда автомобил сотмоқда. Мисол учун бизда 30 миң АҚШ доллариди Malibu 2, бошқа давлатларда икки баробар арзон нархларда сотилмоқда. Агарда буни валюта оқимини кўпайтириш билан деб изохламоқчи бўлсангиз, бошқа янгироқ баҳона топинг, ҳозир банкларимизда истаганча валюта харид қилишингиз мумкин.

Бешинчидан, мамлакатимиз ички бозорда ҳамёнбоп автомобиллар сотуви бўйича бошқа давлатлар автомобиллари сотуви йилдан йилга ошиб бораётган бир шароитда маҳаллий ишлаб чиқарувчимизнинг нархларини ошириш тўғрисидаги қарори қайси бозор қонуниятларига тўғри келади? Бу очикдан-очик бозорни қолганларга бўшатиб қўйишга ҳаракатга ўхшаб кўринмаёптими? Ёки суъий равишда касодга (банкрот) учратиш назарда тутилганми, агар ундай бўлса 20 мингга яқин ишчилар, қоракўзларимиз тақдирини нима бўлади?

Хуллас, саволлар кўп, аммо ҳозирча жавоблар йўқ.

Шу ўринда кўпчиликни бир мулоҳоза кизиқтираётми. Дарҳақиқат, юқоридаги нархлар оширилган машиналар энг харидоргир ҳисобланади. Уларнинг сотиб олувчилари микдори ҳам юқори. Шу ўринда талабнинг юқорилигини инобатга олган ҳолда, улар нархини бироз арзонлаштириб, яна ҳам кўп машина сотувини йўлга қўйиш орқали фойдани кўпайтириш ҳам мумкин.

Ахир, бу ҳам оддий бозор қонуниятидур. Бундан ташқари «UzAuto Motors» керагидан кўра ёпиқроқ бўлгани кўпинча унга тегишли ҳар бир хабарни жамиятимиз норозилик қайфияти билан кутиб олади. Нархлар нимага асосланиб оширилди, машиналар таннархи қайси мезонлар

Русум	Эски нарх	Янги нарх	% ўсish
DAMAS VAN (D11)	62 750 539	75 928 000	21%
DAMAS DLX (D2)	64 696 586	78 283 000	21%
DAMAS LABO (LB2)	71 349 654	79 198 000	11%
SPARK 2 поз (M300M-125)	66 602 502	73 262 000	10%
SPARK 3 поз AT (M300M2/GC/A-125)	76 745 952	92 821 000	21%
NEXIA III 2 поз (AV-GS16)	75 930 613	87 320 000	15%
NEXIA III 2 поз (AV-OPTIMUM PLUS)	78 189 036	89 916 000	15%
NEXIA III 4 поз (AV-GX16/AT)	89 062 015	106 429 000	19%
NEXIA III 4 поз (AV-ELEGANT/ATPLUS)	91 320 438	109 025 000	19%
COBALT 2 поз (GS/16MTB)	87 060 777	95 768 000	10%
COBALT 4 поз (GX/16ATB)	100 777 630	115 390 000	14%
LACETTI 1 поз (L3-15)	111 116 080	114 449 000	3%
LACETTI 1 поз ГБО (L3-15G)	119 696 350	123 287 000	3%
LACETTI 3 поз А/Т (L-ELEGANT/AT PLUS)	134 104 347	138 126 000	3%
TRACKER MT	189 838 121	189 838 121	0%
TRACKER AT	222 150 855	222 150 992	0%
MATIBU 1,5 AT	278 322 334	278 322 334	0%
MALIBU 2,0 AT	311 124 067	311 124 067	0%
MALIBU (MALBDB2TL(LTZ))	324 450 000	324 450 000	0%
EQUINOX (EQUINOX-AT)	349 000 000	349 000 000	0%
TRAILBLAZER LTZ-AT	398 000 000	398 000 000	0%

асосида шакллантирилади каби кўплаб масалалар очик, ошқора бўлганида миллий автосаноатимизга бу қалар кўп эътирозлар ёғилмас эди.

*Хуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев ўзининг Телеграм каналида шундай ёзади:*

### «Нексия» нархи 1 млрд. сўм бўлишига ҳам розиман, фақат...

Бу ерда монополиянинг ёмонлиги ҳақида узундан-узун пост ёхуд газаб, нафрат ва кинояга тўла «дил изҳорлари» бўлиши мумкин эди. Аммо у бўлмади. Чунки бу бефойда. Шунчаки ҳеч қанақа фойдаси йўқ.

Ярамас монополия ёмонлиги эса, ҳар қуни қуёш чиқиши каби исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Аслида бозор шароитларидан келиб чиқиб, бирор талабгор машина ёки бошқа маҳсулотнинг нархи ошиши мумкин, бунақаси учраб туради. Аммо гап нархнинг ошиши ёки ошмаслигида эмас, гап халқ ўзи ёқтирмаган, ўзи хоҳламаган ва ўзи танламаган машинани сотиб олишга мажбурлигида. Ёки тескариси халқ ўзи ёқтирган, ўзи хоҳлаган ва ўзи танлаган машинани оддий бозор нархида сотиб ололмастлигида.

Асосий масала шунда. Бозорни эркин қилиб, халқ учун танлов имкониятини беринг-да, кейин истасангиз «Нексия» учун 1 млрд. сўм нарх қўйинг, бизга фарқи йўқ. Биров гинг демайди. Шикоят ҳам қилмайди. Норози ҳам бўлмайди.

Афсуски хали-бери бунақа бўлмайди. Ҳали-бери...

P.S.: автобирало номли «фоизсиз (ёки арзон) кредит берамиз» дейдиган фирмаларнинг яна қуни туғди, одамлар таваккал қилиб, шуларга ишониб кўришга мажбур бўлади. Кейин эса яна халқнинг ўзини соддаликда айблаб бонг урамиз. Ажойиб.

### Расмий баёнот

*Катта муҳокама ва норозиликлардан сўнг ва ниятат қуни кеча «UzAuto Motors» автомобиллар нархи нега ошганини изоҳлади:*

«UzAuto Motors» компанияси нархларини қайта кўриб чиқиш қарори нархлар конъюктураси, шунингдек, ички ва ташқи бозордаги умумий макроектосидий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ эканлигини маълум қилади. 2020 йилнинг 4 мартига қадар шартнома имзолаган харидорлар учун шартномадаги барча шартлар сақлаб қолинади.

2017 йилнинг сентябрь ойида сўнгги марта автомобиль нархлари ўзгарганидан буён долларнинг сўмга нисбатан айри-қоллаш курси ўси, хом ашё нархлари, коммунал хизматлар тарифлари, транспорт хизматлари нархлари ошди.

Бундан ташқари, аввал солиқ имтиёзларига эга бўлган UzAuto Motors компанияси 2019 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ солиқларни умумий асосларда, жумладан ҚҚС бўйича тўлашни бошлади. 2019 йилда компания 2,5 трлн. сўм солиқ тўлаган бўлса, жорий йил учун эса ушбу кўрсаткич 4,2 трлн. сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Яқин келажақда компаниянинг ўзи учун белгиланган устувор йўналишлардан бири бу сўнгги вақтда амалиётда кенг қўлланилаётган истеъмолчилар учун ажратиладиган автокредит ва муддатли тўлов тизимларини янада ривожлантиришидир. Ушбу йўналиш банклар билан яқин ҳамкорликни кўзда тутди. UzAuto Motors автомобиль кредитларини ривожлантиришга тайёр бўлган банклар билан ҳамкорлик учун доим очик.

Ўзбекистон автомобиль бозорини глобал ислоҳ қилиш доирасида, соғлом рақобатбардор экотизимни яратиш мақсадида «Ўзавтосаноат» яқин келажақда масъул давлат органлари томонидан кўриб чиқиладиган Ўзбекистон бозорига олиб қилинадиган хорижий автомобилларга божхона тўловларини қамайтириш ташаббуси билан чиқди. Ички бозорда рақобатнинг кучайиши UzAuto Motors компаниясининг бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга, компаниянинг рақобатбардорлигини, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сифати ва ҳаммабоплигини оширишга имкон беради.

### БИЛАСИЗМИ?

## Биометрик паспортлар ID-картага алмаштирилади

«Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Хукумат қарори қабул қилинди (129-сон, 06.03.2020 й.).

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб янги тузилган болага, Ўзбекистон фуқаросига, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсга ва хорижий фуқарога белгиланган намунадаги идентификация ID-картаси берилади.

ID-карта шахсни, фуқароликни тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон ҳудудида фойдаланилади. ID-карта 10 йил муддатга берилади.

ID-карта расмийлаштирилганлиги ва беришганлиги учун давлат божи микдори базавий ҳисоблаш микдорининг 89 фоизини ташкил этади (198 миңг 470 сўм).

Ўзбекистон фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий фуқаронинг яшаш гувоҳномаси уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ҳақиқийдир. Ушбу ҳужжатларнинг эгалари уларни белгиланган тартибда ID-картага алмаштириш ҳуқуқига эга.

Биометрик паспортни ID-картага алмаштириш:

- 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида;
- 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2030 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

# КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВИ

## ҒОЛИБИГА АВТОМАШИНА

Жиззахда «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» савдо тармоқ марказлари томонидан ташкил этилган «Энг китобхон мактаб» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Ёшлар инновацион марказида ўтказилган тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» савдо тармоқ марказлари, Жиззах вилояти хокимлиги, халқ таълими бўлим-

лари масъуллари, барча мактаб раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар иштирок этди.

Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» қарорини ижросини таъминлаш, шунингдек, бешта

муҳим ташаббуснинг тўртинчиси – ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий китоб байрамларининг, кўрик-танловларнинг аҳамияти катта экани таъкидланди.

Бу каби тадбирлар, нафақат, китобхонликни тарғиб этиш, балки таълим муассасаларида адабиёт фани ўқитилишини, жойларда кутубхоналар фаолияти, китоб савдосидаги ютуқ ва камчиликларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу лойиҳанинг худудий босқичи ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида муваффақиятли ўтказилди, – дейди «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» савдо тармоқ марказлари муассиси Шухратжон Охунжонов. – Лойиҳанинг Жиззах вилояти босқичи жорий йилнинг 20 январидан бошланиб, 45 кун давом этди. Лойиҳа доирасида худуддаги жами 548 та мактабда китоб ярмаркалари ташкил этилиб, уларда 200 мингдан кўпроқ ўқувчилар, уларнинг ота-оналари учун арзон нархларда болалар адабиёти, бадий адабиётлар, шу жумладан, жaxon



адабиёти намуналаридан иборат сара китоблар тақдим этилди.

Тақдирлаш маросимида «Энг китобхон мактаб» лойиҳасида фаол иштирок этган туман халқ таълими бўлимларига мукофотлар топширилди. Жумладан, биринчи ўринни эгаллаган Арнасой тумани халқ таълими бўлими 10 миллион сўмлик китоблар ҳамда «Nexia-3» автомашинаси билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Янгибод ва Дўстлик тумани халқ таълими бўлимларига компьютер жамланмаси, телевизор, уяли телефон ва китоблар тўпламлари совға қилинди.

– «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» савдо тармоқ марказлари томонидан амалга оширилган «Энг китобхон мактаб» лойиҳаси ўқувчилар ўртасида китоб тарғиботини амалга оширишдаги энг хайрли ишлардан бири бўлди, – дейди

Арнасой тумани халқ таълими бўлими мудири Мирмуҳсин Низомов. – Лойиҳа доирасида туманимиз мактабларида ўтказилган ярмаркаларда 20 мингдан зиёд китоб харид қилинди. Ўқувчиларимиз навбатдаги яна бир китобсеварлик лойиҳаси – вилоят ҳокимининг «Энг ёш китобхон» танловида ҳам юқори ўринни эгаллаш учун фаол иштирок этмоқда.

Маросимда лойиҳа ташкилотчилари томонидан уйда таълим олаётган, имконияти чеklangан ўқувчиларга ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан аёл мактаб директорларига китоб жамланмаси совға қилинди.

Тақдирлаш маросими танikli санъаткорлар ва ёш ижроичилар концерт дастури билан якунланди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ

### АЙТДИМ, ҚЎЙДИМ-ДА!

## ЙПХ ХОДИМИ НЕГА

# ФАҚАТ ЖАРИМА УНАДИГАН ЖОЙДА?

Автобуслар кечки пайт, айниқса, гавжум бўлади: қарилар, ёшлар, аёллар, эркаклар. Улов ичкарасида биров қалин, жузли пальтога бурканган, биров жинси шиму курткада, нам ўтган оёғини илитиш мақсадида ер тепинади. Ҳамма толиққан, кўпчилик ишдан қайтпти. Уйга тезроқ боришга ошиққан. Ниҳоят автобус беш-олти бекатни ортда қолдириб, Юнусобод дехқон бозори ёнига етиб келди. Шундоққина бозор яқинидаги, кўприк остидан ўтиб ўннга бурилди.

Сўнги бир-икки ойдан буён ҳамма уловнинг Юнусобод кўпригидан тушиладиган йўлдан ўтиб олиши, амри маҳол. Қарама-қарши томондан келаётган машиналар қарвони йўлда тирбандликни вужудга келтирган. Йўловчиларга лик тўла автобус ҳам бир қадам жилломасдан имиллайди. Ҳамманинг асаблари таранглашган, бир-бирига хўмрайган, норози кайфият ҳукмрон. Яқин атроф машиналарнинг бўғик сигнал бериши-ю, одамлар бақир-чақиригига тўлиб кетган.

Негадир мана шундай пайтларда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилишга бевосита масъул ҳисобланган йўл патруль хизмати ходимлари умуман қорасини ҳам кўрсатмайди. Очиғи, бундай пайтда танишу нотаниш одамларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Тўғри-да, уларнинг «йўл ҳаракатини мувофиқлаштириб, мўътадиллаштириб туриш учун масъул бўлган йўл патруль хизмати ходимлари қаерга



қарапти, нега улар бу жойдаги аҳволга бепарво» деганга ўхшаш ҳақли ва ўринли саволлари пайдо бўлади.

Албатта, метронинг Юнусобод йўналишидаги иккита станцияси қурилиши муносабати билан мазкур йўлнинг, айнан, дехқон бозори ёнидан қириладиган қисми вақтинчалик ёпиб қўйилган. Буни одамлар яхши тушунади. Аммо, хали метронинг ушбу йўналишдаги иккита станцияси иш бошлагунча анча вақт бор-ку. Шундай экан, ҳеч бўлмаса, кечки пайтлари кўприкдан тушган йўлнинг бу қисмида юзага келадиغان тизилликни бартараф этиш учун йўл патруль хизмати ходимлари автобуслар ҳаракатини назорат қилиб турса бўлмайди?! Ахир қачонгача, йўловчи ҳамда хайдовчилар бундай ноқулайликдан азият чекишлари керак?

Мавзудан сал чекиниш бўлса-да, бир фикрни айтايин: ишхонам Олой дехқон бозори ёнида жойлашган. Шундоққина уловлар туриши учун барпо этилган

автотурагоҳ яқинидаги йўлак четида қатор машиналар қўйиб кетилган. Ахён-ахёнда ана шу машиналар атрофида йўл патруль ходимлари гул атрофида ўрмалашган асаларидай пайдо бўлиб қолади. Улар улов эгалари билан ғижиллашиб ҳам олади. Ҳар икки томон ҳам ўзининг ҳақ эканини исботлашга уринади. Натижа «ЙПХ» ходимининг улов эгасига отнинг калласидек жарима ёзиб бериши билан якун топади. Аммо, негадир йўл ҳаракати хавфсизлиги учун бевосита масъул ҳисобланган ходимларни юқоридагидек тирбанд ва тартибсиз манзиллардан топиш амри маҳол.

Ахир, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг иши фақат жарима ундириш эмас-ку! Йўллардаги тартиб ва йўловчилар хавфсизлиги асосий мақсад бўлиши керак эмасми, озида?!

Улуғбек ЖУМАЕВ

Бош вазир:

# «УЛАРДА ДАВЛАТ ТИЛИГА ҲУРМАТ ДЕГАН ТУЙҒУ БОРМИ ЎЗИ?»

«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги қадрини ҳурмат қилиш, унга бепарволик билан қарамаслик, айниқса, оммавий жойлардаги ёзувлар, реклама ва эълонларда тил ва имло қоидаларига риоя қилиш, шу орқали она тилимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни сақлаш энг оғриқли нўқталардан бири бўлиб келяпти.



Шу вақтгача «Оила даврасида» газетасида худди шу мавзу юза-сида ўнлаб танқидий-таҳлилий мақолалар эълон қилинган эди. Соҳа мутахассислари, олимлар ва кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари газета саҳифаларида пешма-пеш бериб борилди...



Эндиликда бу масала давлат ва ҳукумат миқёсида муҳокама қилиниб, жиддий қоралар белги-ланадиган бўлди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Абдулла Арипов раислигидаги кўча ва аҳоли пунктларини номлаш, пешлавлар, реклама ва эълонларнинг давлат тилида берилиши сингари масалалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши айна шу долзарб мавзуга қаратилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январда қабул қилинган «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори жойларда қандай ижро этилаётгани масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Маълумотларга кўра, шу кунга қадар 24 та вазирликнинг 14 тасида маслаҳатчи лавозими жорий этилган, холос. Мазкур масалага вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳам жиддий эътибор қаратилмапти. Айрим ҳокимлар топшириқни номигагина ижро этаётгани, маслаҳатчилик вазифаси соҳага умуман алоқаси бўлмаган ходимлар зиммасига

юклатилаётгани танқид қилинди. Шунингдек, кўчалардаги реклама эълонларида мантисизликлар, ўзбек тилига нисбатан беписандликлар сингари қатор муаммолар ҳуусида сўз юритилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республика бўйича 10 мингдан ортиқ ташқи реклама конструкциялари мавжуд. Уларнинг 7 мингдан зиёди Тошкент шаҳрида жойлашган.

Йиғилишда Бош вазир кўпчиликнинг дилидаги саволларни ўртага ташлади.

«Реклама билан шуғулланувчи тадбиркорлар қонуни талабларига риоя қилияптими? Рекламанинг мазмунини ўрганадиган, таҳлил қиладиган борми ўзи? Жамоатчилик муаммони кўтариб чиқмагунча, қўл муштираб ўтираверамизми?»

Баъзи реклама маҳсулотларида қонуни бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани ҳам танқид қилинди. Хусусан, 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида, Самарқанд шаҳрида «Буни қил ва биринчи бўл» шiori билан наркотик ва тамаки қоршамалари ташқи реклама орқали тарғиб қилинган. Буни жамоатчилик ижтимоий тармоқларда кўтарганидан кейингина тегишли орган чора кўрган.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги маданий-тарихий объектларга ўзбошимчилик билан ташқи рекламалар осиб қўйилиши,

овқат етказиб бериш  
хизмати рекламасида  
Заҳириддин Муҳаммад  
Бобур образидан  
фойдаланилаётгани

ҳам жиддий камчилик сифатида тилга олинди. Реклама оммага чиққунга қадар унинг мазмуни



билан «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, маҳаллий ҳокимият вакиллари ёки бошқа тегишли масъул ташкилотлар танишиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

«Янада ачинарлиси, бугун пойтахт кўчалари ёки қайси вилоят марказида бўлманг худди хорижга тушиб қолгандек бўласиз, – деди Бош вазир. – Кўча-кўйда ажнабий номлар кўпайиб кетган. Маънавий ва маърифат маркази. Журналистлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, зиёлилар ва бошқа жамоатчилик жим, гуёки ҳеч нарса бўлмагандай, эшитмаганликка, кўрмаганликка оламит.

Узоққа бормайлик, ҳар кун эрталаб уйдан ишга, ишдан эса уйга қайтаётганда йўлимиздаги савдо дўконлари, ошхоналарнинг пешлавлари, кўча ва бинолардаги рекламалар ҳамда эълонларга кўзимиз тушади. Аксарияти хорижий тилларда ёзилган. Давлат тилида ёзилганларнинг кўпчилиги кўпол хатолар билан ёзилган.

Айрим хали очилиб ултурмаган савдо дўконлари, ошхоналар ва машиный хизмат кўрсатиш шохобчаларининг пештоқига қатта харфлар билан «Скоро открытие», «Мы открылись», деб ёзиб қўйишади.

Энг қизиғи, фақат марказларгина эмас, узоқ туманларда ҳам рус тилида эълон осиб урфга кирмоқда. Эълонларни ўз тилимизда ёзса ҳеч ким тушунмайдими? Ёки шу дўкон ёхуд ошхонага ҳеч ким қирмай қўядими? Бу каби номларни танлаётган инсонларда ватанпарварлик, давлатга, тилга ҳурмат деган туйғу борми ўзи?»

Ҳукумат раҳбарининг бундай долзарб саволлари ҳар бир масъулнинг нафақат жиддий бош қотириши, ҳатто бу каби нуқсонларни тузатиш учун аллақачон амалий фаолиятга киришиши учун етарли танбех бўлиши керак.

Йиғилишда фақат бойлик ортириш илнжида реклама бозорини эгаллаб, давлат тили ҳақидаги қонуни талабларига риоя қилмайдиган баъзи тадбиркорлар фаолиятига ҳам аҳамият қаратилди. «Аслида, рекламанинг тили харидор эътиборини тортиши керак. Бошқа тилда берса, кимнинг эътиборини тортади?! – деди Бош вазир. – Узоқ хорижни кўйиб туринг, яқин кўшнилариимизда ҳам рекламалар ўз она тилларида берилади. Буни қонун билан мустаҳкамлаб қўйишган. Мана, биз ҳам шу ишни бошладик, йўлимизда охиригача қатъий тураимиз, буни барча яхши англаб олиши шарт.

Биз ҳеч бир тадбиркорга тўсиқ қўймоқчи эмасмиз. Марҳамат, реклама бозори эркин фаолият юритсин. Бирок, асосий истеъмолчиси, харидори ўзбек тили аҳоли эканини била туриб амалга тилда эълон бериш амалиётига чек қўйиш шарт. Рекламаларда, аввало, давлат тилининг устунигини таъминлашимиз керак, – дея таъкидлаб ўтди Бош вазир.

БИР САВОЛ

Дарахтни ноқонуний кесганлар

## ҚАНЧА ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ?

– Фуқаро ўрмон фондида қирмайдиган дарахтларни ноқонуний равишда кесгани аниқланса, келтирилган зарар учун қандай жазо қўлланилади?

Ушбу саволга эколог эксперт  
Саидали МУХТОРАЛИЕВ

ЎЗА мухбирига қуйидагича жавоб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Давлат ўрмон фондида қирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиб ҳамда дарахтларни ҳатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 49-бандига мувофиқ ҳисобланади.

Унга кўра, етказилган зарарни ундириш ушбу низомга 4-иловада келтирилган битта дарахт ва бутани кесиб учун берилган руҳсатнома киймати миқдорининг базавий ҳисоблаш миқдорида нисбатан коэффициентлари: кам қимматли дарахтлар тури учун 5 бараварга, қимматли ёғочбоп дарахтлар учун 10 бараварга, 100 ёшдан ошган дарахтлар учун эса 20 бараварга кўпайтириш билан ҳисобланади.

Бунда зарарни ҳисоблаш ноқонуний кесилган дарахт танасининг ер билан туташган жойидаги диаметри ўлчов бирлигида олинади, кейин ўлчанган диаметр яъни сантиметр битта кесилган дарахт учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорида нисбатан коэффициентларда ҳисобланади.



Мисол учун, кесилган қимматли Туркистон арчаси дарахтининг ер билан туташган қисмидаги диаметри 40 сантиметр қикса, ушбу диаметрининг ҳар бир сантиметри базавий ҳисоблаш миқдорининг 6,5 коэффициентига кўпайтирилади, натижада – 1 миллион 449 минг 500 сўмлик зарар чиқади. Юқоридаги 43-сонли низомнинг 49-бандига асосан ушбу зарар 10 га кўпайтирилса, умумий зарар 14 миллион 495 минг сўм бўлади.

Маъмурий жавобгарлик масаласига келсак, агар ҳолат шаҳар худудидан иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтлар ўзбошимчилик билан кесиб ташлаш билан боғлиқ бўлса, МЖТКнинг 162-моддасига асосан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар, дарахтлар, буталарни ғайриқонуний равишда кесиб шаҳар худудидан ташқарида ёки шаҳарда бўлса, иморатлар қурилиши билан боғлиқ бўлмаган жойларда ғайриқонуний кесилган бўлса, МЖТКнинг 79-моддасига асосан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эътибор беринг, агар дов-дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кесиб нағжасида ҳисобланган зарар кўп миқдор (БХМнинг 300 бараваридан, яъни 66 миллион 900 минг сўм) дан ошса, бу ҳолатда дарахт кесилиши Жиноят кодексининг 198-моддасида кўрсатилган жиноий жазо белгиланиши мумкин.

Шахноза МАМАТУРОВА  
Ўзб. олд.

Ирода РАБИМОВА

(Бошланиши ўтган сонда)

«

Олимларнинг қайд этишларига кўра, сувнинг воқеликка муносабати унинг суяқ, буғ ёки қайнаётган ҳолатларида бир хилда давом этаверади. Фақат музлагандагина сув бундай фаолиятдан тўхтайдди, муайян сўз, фикр, туйғу шаклдаги ахборотни муз парчаларига муҳрлайди.

Тадқиқотчилар расмга туширган ва муайян ахборотнинг шакли деярлик тақдим этган муз кристаллари қор парчаларига ўхшайди. Инглиз тадқиқотчиси Генри Коанда триллионлаб қор учқунлари бир-бирига шаклан ўхшамаслигини исботлаб дунёни хайратга солган эди. Ушбу янги кашфиётлардан кейин ўйлаб қолсан, қиш мавсумларида бошимиз узра чарх уриб ташаётган қор парчалари йил бўйи сўзлаган сўзларимиз, ҳис-туйғуларимиз, орзу-армонларимиз, қилмиш-қидирмишларимиз ифодаси эмасмикан?!

Француз Уйғониш адабиётининг асосчиси Франсуа Рабленнинг халқ эпоси асосида ёзилган «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асарига қизиқ бир эпизод келади. Узининг муҳим ҳаётини муаммосига жавоб излаб сафарга чиққан Пантагрюэль дўстлари билан денгизда сузиб кетишар экан, бир жойда музлаб қолган сўзларни кўришади. Инчунин, бу сўзларнинг аксарияти сўкинмиш, изтироб ва қийнокни ифодалар эди... Бу ўринда Рабленнинг ушбу эпизодини келтиришдан қандай мақсад кўзлагани учинчи даражага тушади. Ҳозир биз учун энг муҳими «музлаган сўз» тушунчасининг бугунги илмий кашфиётларга мос келиши, иккинчидан халқ эпосларининг илоҳий ахборотларни ташувчи эпизодларга эга эканидир. Негаки, кўп асрлар ўтиб илмий исботини топган бундай далиллар фақат илоҳий асосга эга бўлиши мумкинки, айна ҳолатларни «Гилгамеш», «Рамаёна», «Махабхарата», «Илиада», «Одиссея» каби умумжаҳон миқёсдаги эпосларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Халқ ижодиётида сув билан боғлиқ ўта қизиқ ахборот қодлари яширинган бўлади. Ўзбек халқида «яхшилик қил дарёга ташла балиқ билар, балиқ билмаса Холик билар», «Тушингни сувга айт» сингари мақоллар кўплаб учрайди. «Алпомиш» достонининг бир вариантда эзгу мақсад билан сафарга чиққан Алпомишнинг йўлида дарё кўндаланг бўлади. Дарёдан ўтишга жисман имконият топа олмаган қаҳрамон ўз орзу-армонлари, эзгу ниётларидан сувга арз қилади. Натижада дарё пиширишдан тўхтаб, икки томонга чекинади. Қаҳрамон бу «йўлдан» эсон-омон ўтиб олади, мақсадига етади. Ушбу мотивга Куръони карим ва бошқа диний китобларда келадиган Мусо алайҳиссалом билан боғлиқ қисса асос бўлгани маълум. Бундай мисолларни халқ эпосларидан истаганча топиш мумкин. Айна мисолларнинг мавзуимизга алоқадор жиҳати шундаки, Яратганин таниган халқ сувга ҳеч қачон ўлик мавжудот сифатида қарамаган. Шахсан ўзим, болалик пайтларимда сувга тупуриб отамдан тарсаки еганимни яхши эслайман.

Мен эслаган тупук, гарчи боланинг тупуғи бўлсада, сувга нисбатан ҳурматсизликни ифодалаган эди. Тарсакида эса фақат отамнинг эмас, балки сувни илоҳий мўъжиза деб билган қомил аждодларимнинг ҳам қўллари бор эди. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломдан ворид бўлмиш ҳодисаларда Аллоҳнинг арши сув устида экани айтилади. У зотнинг (с.а.в.) ўзлари мудом саҳобаларига сувни исроф қилмаслик, сувни қадрлашдан сабоқ берганлар. Сув билан боғлиқ бир неча мўъжизалар кўрсатганлари хусусида саҳиҳ ҳадислар бор. Хуеусан, иситма ва жаҳлнинг босишда сув энг яхши восита эканини кўп бор таъкидлаганлар. Сув билан ҳар қуни беш марта эҳтиром ила муносабат-да бўлиш, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан таҳорат олиш исломда фарз саналади. Ёвузлик ва вайронагарчилик келтирувчи кучлар, аксинча, сув билан



Обиҳаётнинг биз билган ва билмаган синоатлари



имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга уринганлари хусусида тарихий далиллар гувоҳлик беради. Қизиги шундаки, бундай кучлар ўз гумроҳликларини шайтоний нақллар билан далиллашга ҳам уринганлар. Масалан, Чингизхон кўшинида «Баданига сув теккизган аскар кирга қўшиб бахт-омадини ҳам бой беради», деган нақл юрган.

Қўринадики, эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам, у қайси шаклда бўлмасин, сувнинг «нигоҳи»дан қочиб қутила олмайди. Сув эса фақат бундай ахборотни англаш, хотирасида сақлаб қолиш билангина чеklangмайди. У барча ахборотларни одамнинг ўзинга, қонотга ва шубҳасиз, Холикка узатади. Қўп ҳолларда сувнинг ўзи ҳам муқофот, ҳам жазо вазифасини ўтайди. Денгиз аро йўл очиб, Мусо алайҳиссалом қавмини саодат сари йўллаганидек, ёвуз Фиръавн қўшинлари учун ажал қиёфасида даҳшат солади. Нуҳ алайҳиссалом кемасини «боши»га кўтарса, «золим қимсаларни» «оёғи» остида янчади. Хуллас, сув кечмиши билан боғлиқ тарихдан гувоҳлик берувчи «оят-далиллар» Аллоҳнинг қаломи Куръони каримда ҳам, халқ дoston ва ҳикоятларида ҳам, ўз ўтмишимизда ҳам кўплаб учрайди. Ушбу далиллардан эзгу хулоса чиқариш эса инсонга ҳавола.

Юқорида тилга олганимиз тадқиқотчиларнинг барчаси сувнинг ҳолатини яхши томонга ўзгартириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бунинг биргина шартини эзгу фаолият, яхши сўз, қомил ахлоқ, пок тўйғу, бир сўз билан айтганда иймон-этиқод экан. Тажрибаларда маълум бўлишича, сув структурасини яхши томонга ўзгартирган энг муҳим восита Яратганга қилинган ибодатлар, дуою илтижолар бўлган. У қайси тилда ўқилмасин ёки ёзма намойиш этилмасин сув молекулаларида гўзал из қолдирган. Бугун, ҳатто, бундай тажрибани амалиётга татбиқ этишнинг бутун бошли тизимлари ишлаб чиқилган. Олтой политехника институти про-

фессори Павел Госков лабораториясида қизиқ бир тажриба ўтказилган: 60 литр водопровод сувига 10 миллилитр дуо ва яхши сўзлар билан «покланган» сув аралаштирилганда натижа ўта ижобий бўлиб чиққан. 10 миллилитр «показа» сув таъсирида 60 литр сув тўла покланган.

Австриялик табиатшунос олим Алоис Губернинг EWO тозалаш системаси қуйидаги тамойилга асосланади: «Табиат қўйнида тошдан-тошга сакраб, эркин юрган сув EWO спиралига йиғилиб, янада ижобий ахборотлар билан бойитилади. Сўнгра мегополис аҳолисини таъминлайдиган водопровод сувига етарли миқдорда аралаштирилади. Натижада, ўлиш даражасига келган водопровод суви эзгу зарядлар билан тўйинган ҳолда ўз йўлида давом этади. Асаблари таранг, цивилизациядан чарчаган шахар аҳолисига эзгулик энергиясини олиб боради». Тадқиқотчилар эфироглиқ кўра, том маънода «покланган» ёки «показа» сув кўплаб жиддий касалликларга шифо бўлади. Бундай сув таъсирида ошқозон-ичак фаолияти яхшиланади, ҳужайралар турли захарли унсурлардан тозаланиб, кексайиш жараёни секинлашади; иммунитет кучаяди; уйқуда хотиржамлик пайдо бўлади; тери ва соч таркиби яхшиланади; бош оғриғи кетади; қон босими мўътадиллашади; қанд касали билан оғриганларда қанд миқдори ўрнига тушади; меҳнат фаолияти яхшиланади; экинларга «показа сув» қўйилса яшнаб ўса бошлайди.

Буларнинг бариси бир қарашда афсона бўлиб туюлади. Аммо бугун сувга менсимай қарайдиган биз ўзбекларнинг аждодлари сувнинг мўъжизакор қудратига қомил этиқод ила ишонганлар, уни тана ва рух учун шифо эканини, том маънода, ҳақиқат деб қабул қилганлар. Бундай инончларнинг қўли шафқатсиз тарих ва ижтимоий талотўплар гўбори остида қолиб кетган бўлсада, айримлари

бугунгача етиб келган. Масалан, боболаримиз, моимларимизда сақланиб қолган олтин, қумуш, мис асосли сув идишларига эътибор қилсак, улар албатта Куръони каримдан бирор оят (қўпинча «Ясин» ёки «Ихлос» сураларидан), пайғамбарларимиздан бирор ҳадис ёки «Аллоҳ-Мухаммад» лафзлари билан «безатилган» бўлади. Баъзи идишларда ҳикматли сўз, шеър, лоқал бирор нақш зарб этилганини кузатамиз. Шарқ подшоли саройларидаги ховузлар ҳам бундай «безаклар»дан холи бўлмаган.

Воқеан, айтганларимиз фақатгина безак вазифасини ўтаганмикан? Йўқ, шубҳасиз, улар сувни ҳар хил манфий унсурлардан поклашга хизмат қилган.

Нақшбандийлик тариқатида «зикри ҳожон», деган маросим бор. Бунда солиқлар доира шаклида ўтириб, Аллоҳни зикр этишади. Куръондан сура ва оятларни муайян санок миқдорда ўқийшади. Ушбу доира марказида эса албатта бир тоза идишда сув туради.

Ўзбекининг никоҳ маросимларида келин-куёв ўртасига, албатта, нафис безакли идишда сув қўйилади. Никоҳда икки қалб Аллоҳ номи билан боғлангач, ушбу аҳдга гувоҳ бўлган сув уларга ичирилади. Никоҳ суви шу найтгача бир-бирига бегона икки ёшни яктан, биржон қилади.

Ислому оламида, хуеусан, ўзбекларда Куръон оятларини ўқиб сувга дам солиш, шу сувни ҳожатмандга ичириш анъанаси бор. Бундан ташқари кенг чинни лаганларнинг ичкари томониغا заъфарондан тайёрланган «сиёҳ» билан «Фотиҳа», «Ясин», «Ихлос», «Мулк» каби сураларни ёзиш, ёзув қуригач, шу идишга сув қуйиб, бир, уч, етти ёки қирқ кун ўтказиб беморга ичириш орқали муолажа усуллари ҳозир ҳам учрайди. Менмича, буларнинг барчаси сувга шифобахш, ижобий зарядларни сингдириб, бемор таналарни, тубан ахлоқни, беором руҳни даволашдан бошқа ҳеч нарса эмас. Фақат биз сўз юритган поклаш ва даволаш усулларининг биринчиси тажриба билан, иккинчиси эса иймон билан англанган элим эканини қайд этиш жоиз.

Менга қолса инсон келажакнинг саодатли бўлиши учун барча сув захира-ларига Аллоҳ ва Пайғамбар алайҳиссалом сўзларини, қомил одамларнинг инсонга қаратилган эзгу тилақларини олтин харфлар билан битиб қўймоқ керак дердим. Сув иншоотлари доимо Аллоҳ зикрини «эшитиб» турса, бундай сувдан ичган жаҳиятдан ахлоқий, руҳий-маънавий муаммолар нари бўлишига ишонаман.

Матбуот саҳифаларида бир фаранги аёлининг зам-зам сувини ичиб, бедаво дард — саратондан халос бўлганини қувонч ва ҳаяжон билан ёзганини ўқиганим бор. Зеро, зам-зам қудуғи Маккан муқаррамада, ушбу хайрбахш қудук эса ўз ибтидосидан бери Аллоҳ зикрини «тинглайди». Дунё ва охирада Аллоҳ зикридан гўзалроқ сўз борми ўзи?!

Ўзук ЖУРАҚУЛОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

# «Попмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**Азиз юрtdошлар!  
Баҳор байрами –  
НАВРЎЗИ ОЛАМ муборак!**

**Илм-фан ва рақамли иқтисодиётни  
ривожлантириш йилининг  
Наврўзи ҳар бир хонадонга бахт-иқбол,  
янги-янги зафарлар олиб келсин.  
Ободлик ва бунёдкорлик  
кенг қулоч ёзаверсин!**

*Янги йилбоши муборак, азиз юрtdошлар!*





# «Норин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

*Элимиз дастурхонини тўкин-сочин  
этиш йўлида меҳнат қилаётган  
Сиз — азизларни, Ватанимиз  
зиёратига ташириф буюрган  
меҳмонларни Шарқ халқларининг  
азалий қадриятлари мужассамлашган  
Наврўз айёми билан самимий  
муборакбод этади!*

*Байрамингиз  
қутлуг бўлсин!*



— Шерзод, икки кундан бери нега мактабга бормаёсан? Ёки дарслар ёқмаптими?..

Аввалига у бироз жим қолади, саволга жавоб бергиси келмайди. Лекин яна нимадандир ташвишланиб, бошини эгганича секин гап бошлади:

— Йўқ... Мен устозларимни яхши кўраман. Ҳар куни мактабга боргим келади. Аммо... мен йўғимда дадам оймни уриши мумкин-да. Ўтган куни мактабдан келсам, ойм йиғлаб ўтирибдилар. Дадам оймни яна калтаклабдилар... Энди биз алоҳида яшар эканмиз. Оймни айтдилар...

Бу гапларни эшитиб донг қотиб қолдим. Бу тўртинчи синф — айни билим олишга иштиёқманд боланинг сўзлари.

масъулятсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.  
— Яқинда янги келинчак билан танишиб қолдим, — дейди **Чуст туман Оила маркази раҳбари Мўътабар Арипова**. — Оила курганига атиги икки ой бўлибди. Негадир хомуш. Ўзимга яқин олиб кўнглига қўл солдим. «Ҳомилалдор бўлишни хохламайман, опажон» деди. Нима дейишни билмай қолдим. «Бу хонадонга энди мослашялман», сўзида давом этди келинчак. «Хўжайиним билан совчилар оркали танишганмиз. Ҳали бир-биримизни яхши билмаймиз. Қайнотам айтди тўйдан анчагина

лик. Ишонасизми, судга чакиришган кун бўйимда борлигини билиб қолдим. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Энди ҳаётимиз ўзгарди, меннинг ҳам фарзандим бўлади, дея дунёларга сиегадим. Бу янгликни қай йўсинда айтишни билмай тилим лол эди. Хўжайиним ҳам жуда хурсанд эди. Энди улар билан кетаман, деб ўйладим. Аммо қайнонам бунга йўл қўймади. Хўжайиним икки ўртада нима қилишини билмай сарсон бўлди. Мана, фарзандимни ҳам кўлимга олдим, 6 ойлик бўлди, бироқ ҳали ҳам ота уйимдаман. Гап-сўзлардан эшитишимча, аслида қайнонамга ота-

# ОИЛАЛАРНИ АЖРАТАЁТГАН

2019 йилнинг 11 ойи давомида 277,4 мингта никоҳ қайд этилганию ажралишлар сони 28,7 мингтага етгани ўтган йилнинг сўнги ҳайратомуз хабарларидан бири бўлди мен учун. Аввало, давлат раҳбари бу борадаги вазият жуда ачинарли эканини айтиб ўтган эди. Бу шунчаки оддий статистика эмас. Унинг ортида қанчадан-қанча фарзандлар тирик етим бўлиб қоляпти. Оилавий ажралишларга қарши давлат миқёсида қанча курашилса-да, у худди печак ўт сингари бизни қамраб оляпти. Энг ачинарлиси бир-бирини тушунмаслик, қайнона-келин муносабатлари, учинчи бир томоннинг аралашуви каби арзимас нарсалар бир кўрғоннинг вайрон бўлишига сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

«Ажралишлар сони ўсишда давом этмоқда. Ҳамма жим... сайловлар, сайловолди учрашуларда ҳам бу масала кўтарилмади. Нима, бу ҳеч кимга тааллуқли эмасми?» — деб таъкидлаган эди Президентимиз 2019 йил 27 декабрь куни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашув давомида.

Ҳақиқатан ҳам оилавий ажралишлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Мисол учун, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилда никоҳдан ўтиш ва ажралишлар сони 306,2 мингга 31,9 мингга, 2018 йилда 311,3 мингга 32,3 мингга ташкил этган. Хўш, оилаларнинг бузилиши бундай тез суръатда ўсиб боришига сабаб нима?



## УЧИНЧИ ҚЎЛ

уни доим қўллаб-қувватлаш вазифасини юклайди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Кўпчилик аёллар ишни ҳам, оилани ҳам бирдек олиб боради. Бироқ беш қўл баробар эмас. Уйда ўтирганлари-чи? Улар нима билан банд? Ҳамма нарса бекорчилик ва зеркишдан келиб чиқади-ку, аслида.

**Никоҳ — муқаддас, унинг бузилиши эса...**

Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуфнинг «Бахтиёр оила» китобида келтирилишича, Аллоҳ таолонинг барча анбиё алайҳимуссаломларини бирлаштириб турувчи суннатлардан бири никоҳдир. Бу иш энг муқим суннатлардан ҳисобланмаганида, Аллоҳ таоло уни ҳамма Пайғамбарларига раво кўрмас эди. Бу эса, ўз навбатида никоҳга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини билдиради. Ҳанафий мазҳабининг энг йирик уламоларидан бўлган Ибн Обидин роҳимахуллоҳ айтадилар: «Одам алайҳиссаломдан то қиёматгача ибодат қилиб белгиланган ҳамда охиратда жаннатда ҳам давом этадиган амал иккитадир: иймон ва никоҳ».

Кўрииб турибдики, никоҳ тузиш ва уни сақлаб қолиш ҳар бир инсоннинг ўз олдидagi энг катта бурчи ҳисобланади. Никоҳ қанчалик муқаддас экан, демек уни бузиш ҳам Аллоҳ олдида шунчалик номақбул иш ҳисобланади.

**«Ҳомилалдор бўлишни хохламайман...»**

Оилавий ажралишларга яна иқтисодий эҳтиёжларнинг ортиб бориши ва йигитларимизнинг оилага нисбатан

*Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуфнинг «Бахтиёр оила» китобида келтирилишича, Аллоҳ таолонинг барча анбиё алайҳимуссаломларини бирлаштириб турувчи суннатлардан бири никоҳдир. Бу иш энг муқим суннатлардан ҳисобланмаганида, Аллоҳ таоло уни ҳамма Пайғамбарларига раво кўрмас эди. Бу эса, ўз навбатида никоҳга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини билдиради. Ҳанафий мазҳабининг энг йирик уламоларидан бўлган Ибн Обидин роҳимахуллоҳ айтадилар: «Одам алайҳиссаломдан то қиёматгача ибодат қилиб белгиланган ҳамда охиратда жаннатда ҳам давом этадиган амал иккитадир: иймон ва никоҳ».*

қарз билан чикишибди. Шунинг учун ҳомилалдор бўлишим билан хўжайиним Россияга ишлашга кетмоқчи экан. Ҳали танишиб улгурмасимиздан кетиб қолсалар, мен янги оилада, янги мухитда қандай яшайман? Ҳомилалдорликда ҳар ҳил ҳолат бўларкан. Қайнонамга қандай айтаман...»

Ана, холос! Ёшларнинг масъулятсизлиги деймизу аммо катталар-чи, ортиқча дабдаба деб уларнинг ўзи фарзандларни кийнаб қўймаптими? Мана шундай ҳолатлар оила кўрғонига дарз етказма-яптими?

**Фарзандсизлик — бош сабаб эмас**

«Турмуш курганимга тўрт йил тўлди, — дейди Зарногор Эргашева. — Эрхотин Аллоҳдан чин дилдан фарзанд сўраб дуо қилдик. Аввалига уйдагилар бепарво бўлишди. Бир йил ўтиши билан қайнонам ўғлига ажралиш ҳақида тез-тез айта бошлади. Турмуш ўртоғим эса мендан кўнгул узолмади. Қайнонам бўлса, мени ёмон кўрсатиш учун турли баҳоналар ўйлаб топарди. Охири хўжайиним ҳам тақдирга тан бериб, судга ариза топширди. Сабаб — фарзандсиз-

онамнинг олди-бердилари ёқмаган эмиш. Байрамлар ҳам совғаларсиз ўтаётган экан. Наҳотки, мол-дунё фарзанд тақдир ва бахтидан устун турса. Аллоҳим ҳам ажралишимизни хохламай бизга олий неъмат — фарзандни инъом этди-ку, ахир! Аммо... молигини, жонингини ўртага қўйиб, янги бир оила барпо этасизу арзимаган инжиқликлар сабаб пароканда бўлганда жуда алам қилар экан одамга.

Оилавий ажримлар фақат бир оиланинг муаммоси эмас. Қачонки, биз жам бўлиб ҳаракат қилсак, кейингина аниқ мақсадга эришамиз. Бу борада яқинда фаолиятини бошлаган янги тузилма — Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги тизимли иш олиб бориши зарур, назаримда. Чунки, битта-иккита оилани яраштириб қўйиш билан иш битмаслигини ҳаммамиз биламиз. Муаммони қуйидан бошлаб ўрганиш ҳамда комплекс равишда бартараф этиш зарурати аллақачон етиб келган. Айниқса, ёши улуг кексаларимизнинг йўл-йўриқлари, минг йиллик тутумла-

римиз бу йўлда жуда асқатади.

Олдинлари қизлар ҳақида гап кетганда «бувисининг тарбиясини олган» деган таърифнинг ўзи етарли эди. Бундай қизлар тежамкор, одобли, эсли-хушли, бувисидан кўп нарсаларни ўрганган дейишарди. Қани энди қизларимиз шундай бувижонлар қўлида камол топса.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: Қайноналар мактаби лойиҳасини ривожлантириш лозим. Айрим қайноналар борки, тўқис бахтга ўзи билиб-билмай раҳна солади, энди барпо бўлаётган оилага путур етказиб қўяди. Бу оқила аёлларга сира ҳам ярашмайди. Афсуски, юқорида келтирилган қаҳрамонимиз тақдирини бунга яққол мисолдир. Жамиятда ажралишларнинг олди олиншида маърифатли қайноналар ҳам катта кўмак бера олади. Фақат бунинг энг муқобил йўллари татбиқ этиши лозим, деб ўйлайман.

Жорий йилда «Йилнинг барчага ўрнатиш оиласи» республика танловини ўтказиш таклифи этилди. Ўйлайманки, бу бежиз эмас. Бу тотув оилаларни кўпайтиришга ҳаракатнинг дебочаси бўлса, ажаб эмас.

Дилфуза ТИЛЛАЕВА

# ЎСМИРЛИК ДЕПРЕССИЯСИ

Ҳаёт тарзидан қониқмаслик ва ўзини бахтсиз сезиш қандай оқибатларга олиб келмоқда?

«Ўсмирнинг ўз хатти-ҳаракатлари, атрофидагилардан ва ҳаёт тарзидан қониқмаслиги ҳамда ўзини бахтсиз сезишига кўпгина сабаблар мавжуд. Оддий мисол қилиб, ўсмирнинг ёмон баҳо олгандан кейинги ҳолатини олишимиз мумкин. Бундай ҳолларда ўсмирларда ўзига бўлган ишончсизлик пайдо бўлиши ва ўзини ҳеч кимга керак эмасдек ҳис этиши мумкин.



Мактабдаги фанларни ўзлаштири олиш, тенгдошлар ўртасидаги ижтимоий ҳолат, жинсий ориентация, оилавий фаровонлик ўсмирнинг руҳий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатадиган омиллардир. Баъзида, ўсмирлик депрессияси атроф-муҳит омиллари таъсирида янада кучайиши мумкин. Аммо бундай пайтда на дўстлар, на қариндошлар ва оила аъзолари, ҳатто доимий равишда унга қувонч олиб келадиган сеvimли машғулотлар ҳам ўсмирни руҳий тушқунликдан ҳалос бўлишга ёрдам бермаслиги мумкин. Бундай ҳолда, ўсмирлик депрессиясига чалинган ҳисобланади.

## Аломатлари қандай?

Кўпинча, ўсмирлик депрессияси белгилари қайфият ва хатти-ҳаракатлардаги ўзгаришларда намоён бўлади. Бундай болалар ҳаётдаги ғайратларини йўқотадилар ва мактабдан чиқиб, ўз хоналарига қамалиб олиб, бир неча соат ёлғиз ўтиришлари мумкин. Болада уйқучанлик, иштаҳанинг ўзгариши ва ҳатто майда жиноятчилик, масалан, савдо дўконларини ўмарош ёки мастлик ва гиёҳванд моддалар билан заҳарланиш ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин. Бундай ўсмирлар кўпинча тамаки чекилади ва ҳозирда осон қўлга киритса бўладиган, дорихоналарда сотиладиган уйқу чакирувчи дори воситаларидан фойдаланиб, таскин топомқочи бўлишади.

Ўсмир депрессиясининг асосий белгилари қуйидагилар:

- апатия;
- бош оғриғи, ошқозон оғриғи, бел оғриғи ёки чарчаш каби доимий оғриқлар.
- диққатни жамлашнинг қийинлашуви;
- бирор қарорни ўзи қабул қилолмаслик;

- масъулиятсиз хатти-ҳаракатлар — масалан, улар ўз вазифаларини унуттишадилар, мактабга кеч қолишади ёки уни ташлаб юборишади;
- иштаҳани йўқотиш ёки овқатни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш, бу сезиларли даражада вазн йўқотиш ёки тўдаликка олиб келади;
- парижонхотирлик;
- ўлим ҳақидаги ҳаёлларга берилиш;
- исёнкор ҳулқ;
- қайғу, безовталиқ ёки умидсизлик ҳисси;



- кечаси уйқусизлик ва кун давомида уйқучанлик;
- мактабдаги ўзлаштиришларнинг тўсатдан пасайиши;
- спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар ва тасодифий бузук жинсий алоқалар;
- дўстлардан қочиш.

## Наслдан наслга ўтадимиз?

Ҳа, агар руҳий тушқунлик 15 дан 30 ёшгача бўлган ораликда бошланган бўлса, кўп ҳолларда бу ирсийдир. Бундан ташқари, оилада ва ота-онада депрессия аломатлари қайд этилган бўлса, бундай

ҳолларда, шу оилалардаги болаларда ўсмирлик депрессияси кўпроқ учрайди.

## Қандай ташхислаш мумкин?

Психиатр ўсмир, унинг қариндошлари, ўқитувчилари ёки дўстлари билан ўтказилган суҳбатлар ва психологик тестларнинг натижаларига таяниб, «ўсмирлик депрессияси» ташхисини қўяди.

Касаллик даражаси ва ўз жонига қасд қилиш хавфи ушбу суҳбатларнинг батафсил баҳоиси асосида аниқланади. Суҳбатлар ва психологик тестлар натижасида олинган маълумотларга кўра, даволаш схемаси ва усуллари белгиланади. Психиатр, шунингдек, бошқа руҳий касалликлар, масалан, безовталиқ, маниакал хатти-ҳаракатлар ёки шизофрения каби касалликларнинг мавжудлигини ҳам кўриб чиқади. Шунингдек, у боланинг суиқасд ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллигини батафсил текширади.

## Давоси қандай?

Депрессия учун кўплаб даволаниш усуллари, жумладан, дори-дармонлар ва психотерапия мавжуд. Агар руҳий тушқунлик оиладаги муаммолар туфайли келиб чиқса, оилавий терапия самарали даволаниш бўлиши мумкин. Шунингдек, бола билими осон ўзлаштириши ва тенгдошлари билан мулоқотда кийинчиликларни енгиши учун қариндошлари ва ўқитувчиларининг ёрдами хис қилиши керак.

## Ота-она нима қилишлари керак?

Ўсмирларга тарбия беришнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлиши табиий.

Гулчехра ҒАФУРОВА,  
психотерапевт

## СЕН... ЎШАСАН!

– Уча оласанми? Узок ёки банд бўлиши шарт эмас.  
– Ахир, мен қуш эмасман-ку!  
– Барибир... уча оласанми?!  
– Йўқ қўлимдан келмайди.  
– Сен бахтсиз экансан.  
– Бахтсиз... Нима учун?  
– Чунки сен ўз қанотларингни кўрмайсан.

Жисмлар хилма-хил, ҳаётлар турфа, қалблар ўзгача. Синовлар турлича, амаллар турлича, кўзлар турлича.

Кўзлар турлича?! Ҳа, улар бири-бирига асло ўхшамайди, бир-бирини сира такрорламайди. Чунки ҳар қайсиси дунёни ўзи хоҳлагандек кўради. Қароқар – қалб соткинлари. Уларда сенинг ботининг акс этади. Юраклар нимани кўришни истаса, нигоҳлар ўшани излайди. Қидираётганларингни топа олиш шунчалик муҳимми? Балки, қанотларингни кўра олишинг ундан афзалроқдир.

Туғиламиз, улғаямиз, қариймиз

ва сўнгиди яна тупроққа, йўқликка қайтаман. Аммо ҳаммамиз ҳам мана шу «қиска» ва «узок» фурсат мобайнида кимлигимиз эмас, ким бўла олишимиз муҳимлигини тушуниб етмаймиз. Ёки тушунишни истамаймиз. Бахтсизлигимизнинг асосий сабаби – шу!

Ҳўш, энди-чи:  
– Сен уча оласанми?  
– Ҳа, мен уча оламан. Узокка ҳам, бандга ҳам учишим мумкин.  
– Қандай қилиб? Ахир, сен қуш эмассан-ку. Қанотларинг ҳам йўқ.

– Қанотларим... Сен уларни кўрмайсанми? Улар жуда ҳам кучли. Энди улар билан исталган жойга парвоз қиламан.  
– Сен бахтлисан!

СЕН ЎЗИНГНИ КИМ ДЕБ ЎЙЛА-САНГ, ЎШАСАН!

Қамола АДҲАМОВА,  
ЎЗЖОКУ ҳарбий журналистика  
йўналиши талабаси

## МЕНИ ЮКСАКЛАРГА КЎТАРДИ...

### ОНАМГА ТЕККАН ТОШ

Бундан чамаси, 20-25 йиллар олдин, ҳуллас бола эдим. Онам бошларини утлаганча кўз ёшлари билан уйга кириб келганлари ҳали-ҳамон ёдимда. Ўшанда онамга қарайману, нима дейишни билмайман... Бошларини анчагача, силаб-силаб, йиғладилар. Кейин чуқур ух тортиб, бир талага, бир менга қараб гапира бошладилар. «Эй Худо, мени шундай ўқимаган қилиб яратдинг. Кўча супураман, одамлардан, хайвонлардан қолган ахлатларни тозалайман – шу менинг ишим. Ҳеч бўлмаса, болаларим ўқимишли бўлсин. Қизим тоза қийиниб, тоза жойларда юралигим одам бўлсин!»

Кейин билсам, онам кўчаларни тозалаётганларида банд қаватли бинодан кимдир оғир пакетни пахта улоқтиргану, бу чикинди бошларига келиб тушган. Онам ўшанда чин юракдан астойдил дуо қилгандилар... Болалигимда онамнинг дуоларини тез-тез эшитардим.

Тақдирни қарангки, қаҳқатан тоза жойда, столда ўтириб ишлайдиган касб эгаси бўлдим. Бир эмас, икки мутахассислигим бор. Давлат мукофоти билан ҳам тақдирландим. Ёзган ижод намуналарим машҳур кўшиқчилар томонидан қуйланди... Опаларим ҳам онам истаганидек зиёли касб эгалари бўлишди.

Нокматликка йўймангу, ҳозир қатта пойтахтда, қатта одамман. Шаҳар айланганимда кўчаларни ободонлаштириб тозалаётган аёлларни кўрсам – онам билан боғлиқ шу воқеани эслайман. Чунки шу даражага етишимизга ОНАМНИНГ ДУОСИ ва Яратганинг истаги бор!

Гулноза НАФИС

# «Кегейлимахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқимизни қадимий байрам —  
НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади!

Юртимизга ободлик,

элимизга фаровонлик, дастурхонларга

кут-барака тилайди!

Элимиз осмони ҳамиша

мусаффо бўлсин!

Наврўз муборак,  
азиз юртдошлар!





Ялпиз хиди уфуриб турган Дамсарой ариғининг шундоққина устига солинган каттагина чорпоя. Унинг олдидаги бўйрадек келадиган майдонда гуллар барк уриб очилган. Рўпарадаги уй ва даҳлиз айвонида қалдирғочлар гир айланиб вижир-вижир қилишади, дам-бадам ўзларини шифтга уришиб, дам ёнбағирлаб учишади.

## АЯМАЖУЗ

## ОЛТИ КУН

**Баҳорги тенгкунликдан сўнг табиатда юз берадиган ажойиб ҳодиса**

Оппок соколи кўксига тушган, дароз бўйли, ок-сарикка мойил Олим бобо чорпоя устида тенг-тўшлари билан гурунглашиб ўтирибди. Бу қария табиат сир-асрорларидан хабардор синчилардан. Одатда синчи йил фасллари ўзгаришини, табиат қонун-қондаларини, об-ҳавонинг турки-авзойини синчков кузатади, хулоса чиқаради. Дехқончилик ва чорвачилик орқасидан қора қозон қайнатадиганлар табиат кийинчиликларини олдиндан билгиси келаверади. Аслида дехқон табиат билан дўст, у фақатгина табиатга қулоқ оседи. Ўз кузатишларига ишонади, тажрибаларига суянади. Олим бобо ҳам шундай. Бирор бир ҳодиса унинг нигоҳларидан четда қолмайди.

— Чорвадор қавмига бешинчи февралдан, зироатчилик билан машғул дехқонлар учун тўққизинчи февралдан «қантар оғади». Кўкдан бобо куёш нур сочиб, ерни киздира бошлайди, аста-секин ер остидан харорат кўтарилиб, дарахт ва майсалар илдизига жон ато эта бошлайди. «Қантар оғса, қор устида қор турмас» деган гап шундан қолган. Тагин бир гап. Ой тақвимида кўра, чорвадор қавмига ўн бешинчи февралдан, дехқонлар учун йигирма биринчи февралдан хут қиради. Шамоллар кучайиб, дарахт

бута ва майсаларни турткилаб, киш уйқусидан уйғотади. «Хут яхши келса, кади-кади сут, Хут ёмон келса, сойлар тўла пут» деган гаплар ханузгача тилдан-тилга ўтиб келадигани бежиз эмас.

### Ўқранса — ўн кун

Келачи қишлоғи ахли нима учундир, кишни ёвуз ниятли ёғийга, баҳорни меҳрибон, сахий қилининг қуллуг қадамига менгзайди. Бепоеън юрт бўйлаб баҳорий нафас кезаётган, фаслларнинг кенжаси, тирикчилигимизнинг муқаддимаси бўлмиш кўкдам чоғлари, аниқроқ айтганда янги кун — Наврўзни кутишдек соғинчли кайфият хукмронлик қилаётган чоғларда мана бу айтими куйлашни хуш кўришади.

*Азиз момо олти кун,  
Қалтираса — қантти кун,  
Сақранса — саккиз кун,  
Тўқранса — тўққиз кун,  
Ўқранса — ўн кун.*

Эътибор қилдингизми, ана шу «тўқраниб-ўқранадиган» мавсум, яъни биринчи мартдан аямажуз бошланади. Дарвоқе, «Аямажуз олти кун, сакраб келса саккиз кун, тўқраб келса (қаҳрли, баджаҳл келса) тўққиз кун...» Бу баҳордаги ўзгарувчан об-ҳавога ўзига хос таърифидир. Энди кишдан қутилик, деганда яна совуқ тушиб аҳолини беҳад қийнаб

кўяди баъзида. Эл билгувчи, эл — доно. Совуқ, аёзли, бўронли кунларни эртақлардаги қаҳр отига минган, баджаҳл кампир киёфасига менгзаб, аямажуз момо деб атай бошлаган. Ва яна ўша «баджаҳл момо» тилидан, «Тўқсон — бир кунимча йўқсан» дейишган. Яъни тўқсон кунлик киш кунлари хали қаҳри қаттиқ аямажуз момонинг бир кунига тенг келолмаслиги айтилган. Айниқса, дарахт куртак оча бошлаганда, кузги экин яшнаб турганда аямажуз келиб қолса, экин чорвадорга талофат етказилган. «Тўқсонда турланса булут, Уюр-уюр қор келади» дейди буни билгандай бахши Умаркул Пулкан бир шеърида.

### Қора чигиртка башорати

Табиатда қуш, ўсимлик, ҳайвонлар ўта сезгир, билгич бўлади, деб эшитган эдим. Бунга шахсий кузатишлар давомида иқроор бўлганмиз. Агар қарга дарахтнинг тепасига кўниб, «қар-қар» қилса, тез фурсатда ҳаво айниди. Чиннигул ёқимли, хушбўй ифोर таратса, шамол туради. Захчалар тўла-тўла бўлиб учса, ёмғир савалаб ўтади. Қоқигул «кўзларини юмуб» олса, билингики, жала қуяди. Карнайгул шом келмасидан очилса, тунда аёз бошланади. Тулки қип-қизариб турган уфқка тикилиб қолса, эртанги кун қуёшли бўлади. Қора чигиртка чирилласа бас, ҳаво очилиб кетади. Қаранг, атрофдаги курт-кумурскалар, қушлар ва гулларнинг бариси одамзодга дўст, улар ўз сирларини ошқор этишга чоғланади. Ўзи она табиатга қанчалик яқинлашиб бораверсанг, у ҳам сента бор сирларини очаверар экан.

Улуғбек ЖУМАЕВ

## ИНСОН МЕҲРИГА МУҲТОЖ АЙИҚЛАР



Баҳмал туманининг Ойқор тоғида кўнғир ва жигарранг айиқларни учратиш мумкин. Улар ҳид биллиш ҳисси ёрдамида шерикларини топиб олади.

Катта айиқнинг ясси бурни ва ўткир тирноқларидан ҳеч бир рақиб қочиб қутулмайди. Унга қаҳратон совуқ писанд эмас. Қалин мўйнаси, тери остидagi ёғи уни совуқдан сақлайди. Вазни оғир бўлса, тез югуради.

Ваҳшийлиги ҳаракатларидан шундоққина сезилиб туради. Мустақкам жағлари билан дарахт шохлари, бута ва пояларни осонгина ғажийди. Ёмак танлаб ўтирмайди.

Она айиқ болаларини меҳр билан парваришлайди. Айиқлар учун энг хавфли душман қондошлари — эркаклари. Она айиқ жонини бериб бўлса ҳам улардан болаларини ҳимоя қилиши лозим. Синчков ва ғамхўр она учун ўлжа қидириш узокқа чўзилиши мумкин. Бу ҳеч ҳам яхшилиққа олиб келмайди. Чунки бу пайтда болалари турли кўнгилсизликка рўбарў бўлиши мумкин.

Она айиқ бирор хавф-хатар келадигани олдиндан сезади. У душманни қалъитишни яхши билади. Болалари эса яшириниб олади. Инстинкт шуни тақозо этади. Болалари мустақил ҳаётга тайёр бўлгунча уларни тарбиялаб боради.

Вақт келганда она-бола айиқлар ўртасидаги ришта узилиб, болалари мустақил кун кечира бошлайди. Олдинда улар учун оғир синовлар давом этади. Озиқ-овқат кам пайтлари айиқларга қийин бўлади. Шунда ўсимлик илдизлари ҳамда туганаклар ҳам емиш ўрнини босади. Очлик айиқларни қишлоқ чеккасидаги экин майдони ва дарё қирғоқларига боришга мажбур қилади. Тошларни ағдариб, мингоёқ, малоска ва шу каби ҳашаротларни излайди. Сарқитдан ҳам тап тортмайди. Қорин тўйдириш ғамини ейди.

Очлик, рақиблар таҳдиди, ўғринча ов қилувчи одамлар айиқлар ҳаётини хавф солади. Лекин Ойқор қишлоғида одамлар ва жониворлар бир-бирига қўниқиб қолган. Жониворлар атрофдагиларга зиён етказмайди. Доимо бир сўқмоқдан юради, одамларга ҳужум қилмайди, одам хидини узокдан сезади. Тоғликлар ҳам шовқин солмасдан уларга ёқмайдигин иш қилишдан эҳтиёт бўлишади.

Қишлоқ одамларида айиқлар ҳужумидан ҳимояланиш учун зарур анжомлар бор. Улар зийрак жониворнинг ғашига теғмаслик, ўлжасига кўз олайтмаслик кераклигини яхши билишади. Бу мактаб ўқувчиларига ҳам маълум. Айиқлар ҳам инсон ҳаёти ва мулкига дабурустдан тажовуз қилмайди. Лекин айиқлар барибир одамлар меҳрига муҳтож. Чунки уларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Ёш авлод уларга ғамхўрлик қилмоғи лозим.

Абдулла САИДОВ



## БОЛАЛИК ЎЙИНЛАРИ, СЕНИ СОҒИНДИМ!



Баҳор фасли халқ сайилари, миллий ўйинларга бойлиги билан бошқа фасллардан алоҳида ажралиб туради. Сочларига толпоқ тақиб, йўл четида «бештош» ўйнаётган қизалоқларни кўриб, беихтиёр болалигимда ўйнаган мароқли ўйинлар кўз олдимда гавдаланади.

Мен учун энг кизикarli ўйин «ланка» эди. Танга пакилдаги кўрғошинга терини мустаҳкамлаб ёки бўлмаса қалин қирқим матоларни майдалаб ланка ясардик. Агар ўйнагувчилар сони кўп бўлса жамоаларга бўлиниб, кам бўлса якка-якка бўлиб ўйинга киришардик. Унда оддий тепиш, жуфт тепиш, сакраб тепиш каби шартлар бўйича ўзаро беллашардик.

Яна бир ўйин бор эдики, унинг нафақат ўйнагувчи, балки томошабинлари ҳам кўп бўларди. Бу ўйин номи «Чикки» деб аталиб,

унга махсус битта узунчоқ, битта қиска қалтакча ясаларди. Катта доира қизиқиб, бир иштирокчи доира ичида туриб қалтакчани улоқтиради. Иккинчи иштирокчи эса уни ерга туширмакликка ҳаракат қилади. Мабодо ушлаб қололмаса, уни ердан олиб доирага қайтарди. Доира ичида туширигандигина қалтак улоқтириш навбати унга тегади. Бу ўйин юртимизнинг кўп жойларида «чиллақ» деб ҳам аталади.

Бундан ташқари аргимчок учини, бекинмачок, ўртага тушиш каби ўйинлар ҳам бо-

лаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилган.

Баъзан ўйинга киришиб кетганимиздан вақт ўтганини ҳам сезмасдик. Ҳаттоки, об-ҳавонинг ноқулайлиғини, кеч тушиб, кун қорайгани ҳам бизга қор қилмасди. Аниқ эслаймаман. Бир гал бекинмачок ўйнаётганимизда шаррос жала ёға бошлаган. Шундай бўлса-да, панарок жойларга яшириниш шарт билан ўйинни давом эттирганмиз. Ҳамманинг кийимлари хўл бўлиб кетса-да, ҳеч ким ўйинни ташлаб кетмаган.

Бу каби миллий ўйинларимиз ёшларга завқ-шавқ бағишлаш билан биргаликда уларни жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.



Муҳими шундаки, бу ўйинларнинг ҳеч бири шунчаки эрмак ёки вақт ўтказиш учун ўйлаб топилмаган. Улар ўғил-қизларнинг жисмонан ва руҳан соғлом, чидамли ҳамда иродали бўлиб ўсишларига ёрдам

беради. Демак, халқимизнинг оддий ўйинларида ҳам аждоқлар зақоси, руҳий ва жисмоний қомилликка интилиш нияти мужассам.

Муҳтарам НУЪМОҶОВА,  
Бувайда тумани

# «Улуғ нормахусусув пудрат»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



Барча юртдошларимизни гўзаллик,  
яшариш ва янгиланиш фасли –  
яқинлашиб келаётган НАВРЎЗИ ОЛАМ  
билан самимий муборакбод этади!

Халқимизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва  
омонлик, ҳамиша муваффақиятлар  
ёр бўлишини тилаймиз!



Ҳар кунимиз  
Наврўз бўлсин!



# «Эликқалъа махсусув шудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Шу азиз Ватанни мўътабар билган  
барча-барчани Йилбоши ва баҳор  
айёми билан муборакбод этади!

*Наврўзда баҳорий илиқлик,  
Наврўзда наҳорий тиниқлик бор!  
Элимиз қалбига  
жо бўлган шу ноёб хислатлар  
бизни дунёга танитмоқда.*

*Наврўзи олам  
ҳаммага қутлуғ бўлсин!*

**ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...**



**Карим Бахриев**  
8 ч.

**ЗУЛМАТЛАРДАН ИРГА**

78 ёшли отахоннинг тоби қочди. Шифохонага ётқизиб, у кишига 24 соатлик кислород мосламасини улаб қўйишди. Вақт ўтиб, отахоннинг аҳоли яхшилана бошлади. Муолажала биттач, у кишига тўлов чекини беришди. Отахон чекка қараб йиғлаб юборди. Шифокор у кишига тўловдан қайгурмаслигини айтиб, тинчлантира бошлади. Отахон эса шундай жавоб берди:  
– Мен тўлов учун йиғлаётганим йўқ. Буни тўлаша пулим етади. Лекин 24 соатли кислород учун шунча тўловни кўриб, Аллох таолонинг хавосидан 78 йилдан бери бир сўм тўловсиз тўйиб нафас олаётганимни ўйлаётман. Бунинг учун мен Унга қанча қарз эканимни биласизми?!



**Карим БАХРИЕВ**



**Шароф Бошбеков**  
16 ч.

**МИЛЛИЙ СЕРИАЛЛАРНИ КЎРИБ...**

Яқиндагина фильм ва сериалларда ўзбек тилининг аҳоли жўнидан ёзган эдим. Бугун эса «Севги йўлида» номли турк сериалининг 1-фасли тугади. Сериал қахрамонлари – Мерон, Осие, Имронларнинг тақдирини синчковлик билан кузатдим. Сюжет туркча, исмлар туркча, муносабатлар туркча, мусика туркча (айниқса, аёл овозида ижро этилган ариоза), урф-одатлар туркча (аёл эрини «сен»лаши), ўзбек киносига турклардаги каби аёллар камокхонасининг кўрсатилиши ғирт туркча бўлгани ҳолда, сериал ижодкорларининг исм-шарифлари ўзбекча эканлиги мени ниҳоятда ажаблантирди.

Айниқса, бешиқдаги боласини ҳам «сиз»лайдиган ўзбек учун аёл кишининг ўз эрини «сен»сираши кўз кўриб, кулоқ эшитмаган шаккоқлик бўлиб туюлди менга.

Энди «Бир ками тўлмаган дунё» хақида. Сериалнинг 1-фаслининг илк қисмини кўрдим. Тил шу даражада қашшоқки, сериал муаллифлари учун ҳам сиз уялиб қатамасиз (Тил камбағал эмас, қашшоқ деярман). Айтايлик, муаллифга «Хаммаси яхши бўлади» деган иборани ишлатишни тақиқлаб қўйинг – бир сатр ҳам ёзулмайди. Ишонмасангиз, интернетдан олиб кўринг. 1-фаслининг илк қисмида ушбу ибора неча марта айтилганини эринмай санаб чикинг, 25-30 минутлик битга қисмда-я!..

Бизнинг оила зиёлилар оиласи. Ҳар бир янги спектакль, кино, сериални муҳокама қилиш одат тусига кирган. Асар яхши бўлса – хўп-хўп. Ғирт бедаво, бир қақага арзимайдиган, саводсиз бўлса, баҳо аниқ. «Хаммаси яхши бўлади» деб қўямиз...

**Шароф БОШБЕКОВ**



**Qishloqlik O'qituvchi**  
18 мин.

**ВАҚТ ЙЎҚ...**

- Китоб ўқидингизми?
- Вақтим йўқ.
- Фарзандлар билан сайр қилгани борапсизми? Улар билан суҳбатлашяпсизми?
- Ишонасизми, умуман вақт ажрата олмаётман.
- Ота-онангизни кўргани қачон бордингиз?
- 15 кун бўлди. Ишларим кўпайиб кетди...
- Ака, сингилларингизга телефон қилиб турасизми?
- Кейинги вақтларда ишларим жудаям кўпайиб кетди. Улгурмаётман. Вақт, вақт ...
- Эртага соат 18.00 да чойхонада ош бор. Келасизми?
- Албатта бораман! Иложи бўлса эртaroқ бораман. Астойдил дам олайлик...

«Qishloqlik o'qituvchi»  
саҳифасидан олинди.

**УЙДАН ПУЛ КЕЛДИ!..**

Бугун уйдан пул келди!  
Дадам нафақалари тушиши билан менга пул жўнатдилар, оч қолмаслигини, ўзимни эҳтиёт қилишимни, ўзимнинг эҳтиёжларим учун ишлатишимни айтдилар. Кувонганча пулни олиб, ўзим яхши кўрган нарсаларни олишга опинқдим. Қизик, ўзингиз ҳам истаган нарсаларингизни пулни аямай олармикансиз, дадажон?!

Бугун уйдан пул келди!  
Онам маошлари тушиши билан менга жўнатдилар, кунлар совуганини, устимга калинроқ кийим олишим кераклигини тайинлабдилар. Эҳ, онажон... Ахир, ўзингиз пальтонгизни қачон олгандингиз. Балки мен туғилганимда берилган суюнчи пулига олингандир ўша палто?!

Бугун уйдан пул келди!  
Бир кутуда мевалар, майиз-ёнроқ, тоза асал, банкада ковурилган гўшт, яна мен

ёктирган писта-бодом. Дугоналаримга «уйдан келди», деб мактаниб, маза қилиб едик. Камига, эртаси куни курсдошларга ҳам мазорбости деб таркатдим. Қизик, ўзингиз қачон хандон писта чакқан эдингиз, дада?

Бугун уйдан пул келди!  
– Қизим, этигингизнинг пошнаси баланд, пастроқ бирор нима олгин, кўп юрасан, толикаётгандирсан?!  
– Янги олган эдим-ку, буни ҳам, ая.  
– Олавер, сен ўкиб, чарчайсан-да болам...

Қизик, ўзингизнинг оёқ кийимингиз кўринишини ҳам эслолмаётман, аяжон!..

– Дада, нафақангизни олмадингизми? Ижарага тўлашим керак!

– Ая, ойлигингиз қачон тушади, контрактимга пул ўтказиш керак!

– Дада, курсдошлар билан ўтирадиган бўлиб қолдик, пластик қартамга ташлаб юборинг!..

Қачондир сиз ҳам «пулим йўқ эди» деганмисиз, дада?

Сиз-чи? Қачондир мендан кўпроқ ўзингизни ўйлаганмисиз, аяжон?

Мен-чи, қачондир сизларнинг бирор қийинчиликларингиз, муаммоларингиз хақида сўраганманми?..

Баҳор келди, ёмғир фасли. Оёқ оғригингиз яна кўзга-маяптими, аяжон?

Совуқда бош оғригингиз қайталанмаяптими, дада?!

Эҳтимол, мени ўйлаб ўзингизни унутиб ҳам қўйгандирсиз?!

Мен-чи? Мен кимнинг ўйи-даман?!

**Азизабону АБДУРАҲИМОВА,**  
ЎЗЖОКУ талабаси

**ЖАВОҲИР**

**Равшан ФАЙЗ**

**ЁШЛИК**

*Ёшлик мени тарк этмай туриб,  
Мен ёшликни тарк этиб кетдим,  
Ўйин талаб дўст-душманларни  
Саволларга гарқ этиб кетдим.*

*Муҳаббати ақлимни олди.  
Ичларимга оловлар солди.  
Кўрмай босдим тиконни мудом  
Туман бўлди кўзимнинг олди.*

**ПАЗАНДАЛИК**

**Седанали печенье**

Бугун бизлар сизнинг хонадонингизга седанали, юпка ва қарсилдоқ печенье билан таширф буюрдик. Унда кальцийга бой бўлган седана микдори кўпдир.

Масалликлар:

- 160 грамм оқ рангли седана;
- 120 грамм шакар;
- 70 грамм ун;
- 60 грамм юмшатирилган сариёғ;
- 1 та тухум;
- бир чимдим туз, бир чойкошиқ қабартма, бир чойкошиқ ванилин.

Тайёрланиши: Ун, қабартма ва тузни элаб оламиз. Юмпаган сариёғга ванилин ва шакарни солиб, миксерда аралаштирамиз. Устидан тухумни солиб, оқаргунига қадар яхшилаб кўпиртириб оламиз. Элаб олинган урни аралашма устидан солиб аралаштирамиз ва оқ седанани ҳам соламиз. Қошиқ ёрдамида яхшилаб аралаштирамиз. Патнисга пергамент қоғоздан

**ИНТЕЛЛЕКТ**

**Хаётда асардагидан нега тескари?**

Кўқон хонлиги даврида машҳур Кўқон бозорига водий бўйлаб турли томонлардан кишилар тўпланар эди. Қизиғи, бир хил маҳсулотни бир хил нарҳда олиб келган бўлса ҳам шарқ томондан келган сотувчига 100 танга, ғарб томондан келган сотувчига эса 50 танга солиқ солинган.

Савол: Нега ғарб томондан келган сотувчиларга кам миқдорда солиқ солинган?

Жавоблар келгуси ҳафтагини сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz  
Телефон: 0(371) 234-91-82  
Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 5 март сонидан берилган саволнинг жавоби: Лев Толстой никоҳни назарда тутган. Гап никоҳ тўйи хақида кетмоқда.

тўшаб, хамирдан бир қошиқдан солиб чиқамиз. Бунда уларнинг орасида 5 см дан жой қолиши керак (чунки пишиш жараёнида печеньелар ёйилиб кетади). Қўлимизни намлаб, печенье-ларга шакл берамиз. Хошиша қараб, устига яна седанадан сепиш ҳам мумкин. Печенье-ларни 180 С даражада қиздирилган газ печида пишириб оламиз.

Ёқимли иштаҳа!